БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 80 (18.856). • Пайшанба, 5 апрель 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ

Социалистик интернационал раҳбар арбоблари мурожаатига Социалистик интернационал раиси Вилли Брандтга, социалистик интернационалга кирган социалистик, социал-демократик ва лейбористлар партиялари раҳбарларига

ЖАВОБИ

Сизларнинг мурожаатингиз билан зўр эътибор ила танишиб чиқдим. Европада, умуман халқаро ишларда вазият жиддий равишда ёмонлашганлиги муносабати билан хавотирланиш бизга батамом тушунарлидир.

Қуролланиш, шу жумладан ядровий қуролланиш пойгаси кучайиб, тобора даҳшатли бўлиб қолмоқда. Айни вақтда ядро қуролларини чеклаш ва қисқартиришга доир масалаларига доир музокаралар жараёни фактлар кўрсатаётганидек қасддан барбод этилди.

Буларнинг ҳаммаси — таркиб топган кучлар мувозанатини бузишга, Совет Иттифоқидан ҳарбий-стратегик устунликка эришишга қаратилган маълум сиёсатнинг натижасидир. Бинобарин гўё бирон бир алоҳида ҳодиса юз бермаяпти деган хотиржам қилувчи ҳеч қандай баёнотлар билан, ҳеч қандай сохта сулҳпарварлик билан бундай сиёсатнинг нақадар ҳалокатли эканлигини яшириб бўлмайди.

Биз сизларнинг мурожаатингизда яхшилик сари силжишга эришиш зарур деб айтилган нуқтаи назарга қўшиламиз. Дарҳақиқат, мулоқот, шу жумладан, албатта, Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасида мулоқот зарур. Аммо бундай мулоқот тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига мос бўлиб тушадиган шартномаларни ишлаб чиқишга қаратилган ҳалол, амалий мулоқот бўлиши керак. Ишни шундай олиб бориш учун Совет Иттифоқининг иродаси ҳам, қатъият ҳам мавжуддир.

Аммо бунинг учун АҚШ томони ҳам тегишли даражада тайёр бўлиши керак. Ҳолбуки, Америка маъмурияти кейинги вақтларда СССР билан мулоқотга киришяпмиз деб ишонтираётган бўлса-да, унн бирон бир конкрет иш билан мустаҳкамламаяпти. Бунинг устига ишонтириб айтилаётган ана шу гаплар амалий ишлар билан рад этилмоқда. Европа тупроғида жойлаштирилаётган Американинг ҳар бир ядровий ракетаси билан хатарли чизиқ сари янги қадам қўйилмоқда. Бу ҳол ҳаликдан чиқиб кетиши мумкинлигининг бевосита хавфи вужудга келмоқда.

Мурожаат авторлари қуролсизланишга ва қуролярогларнинг барча турлари устидан контролликка бағишланган музокаралар жараёнини яна бошлаш учун шарт-шароитлар яратишга куч-ғайратларни сафарбар этиш зарур деб ҳисоблайдилар. Улар Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида мулоқот бошланиши керак деган фикрни билдирмоқдалар ва ҳар иккала давлат ҳукуматларини мана шунга даъват этадилар.

К. У. Черненконинг мактуби социалистик интернационалга кирган социалистик, социал-демократик ва лейбористлар партиялари раҳбар арбобларининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатларнинг бошлиқларига йўллаган мурожаатига жавобдир.

В. Брандт ва бошқа арбоблар имзолаган мурожаатда халқаро вазиятнинг жиддий ёмонлашганлиги ва қуролланиш пойраси кучайиб бораётганлиги кўлгусидаги истиқболни қоронғилаштирмоқда, дейилади. Воқеаларнинг ривожи контролни қиқатан ҳам амалий музокараларга, европаликлар учун, барча халқлар учун шу қадар муҳим бўлган масалаларни ҳал этишга тайёр эканликдан далолат берадими, ахир?

Бундан гап музокараларга тайёрлик тўғрисидаги сафсаталарда, баёнотларда эмас, балки ядро қуролларини чеклаш ва қисқартиришга доир музокаралар йўлида қўйилган ғовларни бартараф этишга тайёрликда эканлиги кўриниб турибди.

Совет Иттифоқи айни мана шуни ёқлаб чиқмоқда.

Биз қуролланиш пойгасини тўхтатиб қолиш ҳамда уни орқага буриб юборишнинг эътиқодли тарафдорлари бўлиб келдик ва шундай бўлиб қолмоқдамиз. Совет Иттифоқи ўртага қўяётган таклифларнинг бутун комплекси мана шунга қаратилган. Барча ядровий аслаҳахоналарни дарҳол кўпайтирмасдан қўйиш, стратегик қуролларни чеклаш ва анча қисқартириш, Европада ядровий қарама-қарши туриш даражасини тубдан пасайтириш, космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш, химиявий қуролни тақиқлаш ва йўқ қилиш — уруш хавфини бартараф этишга қаратилган мана шу ва бошқа чора-тадбирларни ҳаёт тақозо этмоқда. Бу чора-тадбирлар реал бўлиб, барча давлатларнинг манфаатларига, жаҳон халқларининг талаблари ва орзу-умидларига баб-баравар даражада мос бўлиб тушади.

Бу гап ядро қуролига эга бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар бўйсуниши лозим бўлган муайян нормалар ҳақида ва уларга мажбурий тус бериш тўғрисида шартлашиб олиш хусусида биз яқинда олға сурган таклифга ҳам таллуқлидир. Ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар ядро урушининг олдини олишни ўз сиёсатининг асосий вазифаси қилиб қўйишлари, ўзаро муносабатларини мана шуни ҳисобга олиб қуришлари муҳимдир. Эслатиб ўтилган масалалар юзасидан шартномага эришиш бутун халқаро вазиятда, шунингдек Совет — Америка муносабатларида ҳам чинакам бурилишнинг бошланиши бўлиб қолиши мумкин эди. Сиёсий ирода мавжуд бўлган тақдирда биргаликдаги куч-ғайрат билан аҳволни яхшилик сари ўзгартириш мумкин.

Халқаро ишонч муҳитини тиклаш муҳим — бу ўткир зарурат бўлиб турибди. Стокгольм конференцияси ҳам бунда фойдали роль ўйнаши мумкин. Совет Иттифоқи конференция аҳамияти ва вазифасини айни мана шундай тушунишга асосланиб, биринчи навбатда кенг кўламли тадбирлар ҳақида — биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатишдан, умуман ҳарбий куч ишлатишдан воз кечиш тўғрисида шартлашиб олиш учун курашмоқда.

Кейинги вақтларда Ғарбдаги турли доиралар, шу жумладан социалистик интернационал, кўпгина социалистик ва социал-демократик партиялар ҳам ядро уруши хавфини камайтиришга, халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган ташаббуслар билан майдонга чиқдилар. Бу — кескинликни юмшатиш жараёнини яна ҳаракатга келтиришга реал мойиллик борлигидан далолат беради.

Аммо бу нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди. Аҳволни ўнглаб олиш учун таъсирчан ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар талаб этилади.

Совет Иттифоқи уруш хавфини камайтириш учун, тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда жамики давлатлар билан, барча тинчликсевар ижтимоий кучлар билан кенг кўламда актив ҳамкорлик қилишга тайёрдир. Бу гап социалистик интернационалга кирган партияларга ҳам тўла-тўкис таллуқлидир.

Мен ҳам шуни жуда аниқравшан қилиб таъкидлаб ўтмоқчиманки, Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасини жиловлаш, кескинликни юмшатишга қайтиш, Европа хавфсизлиги ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлини бундан буён ҳам муттасил ўтказа беради.

Ҳурмат билан

К. ЧЕРНЕНКО.

Стокгольм конференцияси, дейилади сўнгра мурожаатда, ўзаро ишончни тиклаш ва Европада ҳарбий мухолифлик хавф-хатарини камайтириш учун янги имкониятлар очади. Бу конференция стратегик қуролярогларнинг барча турларини ўртага олиш ва Европада ядро қуроли тўғрисидаги музокараларнинг яна бошланишига ёрдам берадиган муҳитни вужудга келтириши керак. Ядровий қуролланиш пойгасининг тобора кучайиб бораётган хатарли давраси тўхтатилиши лозим, дейилади мурожаатда. (ТАСС).

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ



ЭРТА ЭККАН ХИРМОН ҚИЛУР

Киров районидаги «СССР 60 йиллиги» колхози заршуносларн чигит экишга барвақт киришиб, дастлабки кунларданоқ юксак унумдорликка эришмоқдалар. Далаларда 24 та сеялка қувватидан самарали фойдаланиляпти. Чигит экиш билан бир қаторда тупроққа майдаланган минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси солиб кетилаётир. Бу тупроқни қиздириб, чигит ернинг табиий намига бехато униб чиқишини таъминлайди.

Чигит экиш айниқса Омонжон Қурбонов бошлиқ илғор бригада далаларида уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Мутахассислар бригада аъзоларн ишининг сифатидан айниқса мамнун бўлишмоқда.

Суратларда: пешқадам бригада бошлиғи Омонжон Қурбонов, хўжалик бош агрономи Камолиддин Шодиевлар ҳамда экиш пайти тасвирланган.

Ш. Алимов фотолари (ЎзТАГ).

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИНИ ТЕЗРОҚ ТУГАТАЙЛИК

НАМАНГАН, 4 апрель. (ЎзТАГ). Поп зилзиласидан жабрланган наманганликларга бутун мамлакат ёрдам қўлини чўзди. Вайрон этувчи ер ости силкинишлари тўхташи биланоқ палаткалар, ускуналар, бинокорлик материаллари, озиқ-овқат, дори-дармон ортган эшелонлар шу ёққа кела бошлади. Жамиятимизнинг метин жипслиги, совет халқларининг бузилмас дўстлиги ана шу ёрдамда ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ намоён бўлди. Наманган области партия-хўжалик активининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида давлат зилзила оқибатларини тугатишга ажратган маблағлардан қандай қилиб самарали фойдаланиш тўғрисида гап борди.

Йиғилишда сўзга чиққан Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов ва бошқа нотиқлар область меҳнаткашларига катта эътибор берганликлари учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар. Уй-жойлар, социал-маиший объектлар қуришга, ер қимирлашдан зарар кўрганларга бир йўла ёрдам учун катта-катта маблағлар ажратилганлиги тўғрисидаги хабар зўр мамнуният билан кутиб олинди. Якка тартибда уй-жой қуришга бериладиган қарзлар кўпайтирилди. Уйлари шикастланган ёки бузилган якка тартибдаги қурувчилар тўлаб бораётган қарзларининг қолганини республика бюджети ҳисобидан кечиб юборишга рухсат этилди. Қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, қурилиш корхоналарининг кучлари ва воситаларидан қурилиш, монтаж ва ремонт ишларида фойдаланишга рухсат этилди.

Куз-қиш даврига ча, ҳаво бузилиб совуқлар бошлангунича одамларни пухта бошпана, капитал уй билан таъминламоқ область партия, совет, хўжалик, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари эканлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Янги қурилиш ва ремонт тиклаш ишларининг лойиҳа-техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш устидан назоратни кучайтириш керак. Лойиҳачилар керакли ҳужжатларни бир ой—нари борганда икки ойда тайёрлаб беришлари мумкин ва лозим.

Вақт кутиб турмайди, деб таъкидланди мажлисда. Янгитдан тузилаётган механизациялашган кўчма колонналарни тезроқ ташкил этиш, уларни машина-ускуналар билан етарлича таъминлаш, қурилиш коллективларида интизомни мустаҳкамлаш, қурилиш ишлари сифатини алоҳида кузатиб туриш керак.

Сўзга чиққанлар областдаги Поп ва бошқа районларнинг меҳнаткашлари хавфли дақиқаларда чўчимай, юксак интизом, мардлик ва матонат кўрсатганликларини айтдилар. Зилзила меҳнат коллективлари фаолиятини мушкул ҳолга солган бўлса-да, область квартал якунларига кўра, саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда муайян муваффақиятларга эришди. Бинокорларнинг қилган ишлари ҳам чакки эмас. Чорва қишлови яхши ўтди, экин-тикин кенгайиб бормоқда. Шу билан бирга йиғилиш қатнашчилари фойдаланилмаётган резервлар, камчилик ва нуқсонлар тўғрисида ҳам гапирдилар. Бир қанча корхоналар меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини дуруст бажаролмаяпти. Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш тоширириғи ҳамон қониқарсиз ҳал этиляпти. Областнинг пахта заводлари орқада қолмоқда, тола ажратиш плани бажарилмаяпти. Экин-тикинни кенг қулоч ёйдириб юбориш учун ҳаво очиқ кунлардан фойдаланмаётган хўжаликлар ҳам бор. Машина-ускуналарнинг бир қисми ҳанузгача ремонтдан чиқарилмаган.

Омма ўртасида ташкилий ва тарбиявий ишларни кучайтириш, улар тўғрисида ғамхўрликни ошириш, қурилиш ишларини ташкил этиш ва уларнинг инженерлик тайёргарлигини яхшилаш, ҳамма участкаларда давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш асосий иш эканлиги музокараларда таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари область меҳнаткашлари зилзила оқибатларини мумкин қадар тезроқ тугатиш, партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари олға сурган вазифалар муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўрадилар, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар, деб ваъда бердилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов қатнашди.

Юбилейни муносиб кутиб олайлик

ХИВА БАДИИЙ СОПОЛ БУЮМЛАР ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Хива бадиий сопол буюмлар заводи коллективи КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумлари қарорларига амал қилиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, зиммасига қуйидаги оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича ўн биринчи беш йиллик плани 1984 йил 15 июлда бажарилади. Беш йиллик охиригача плондан ташқари 850 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни аниқ ташкил этиш, нобудгарчиликнинг барча турларини қисқартириш, кадрлар қўнимсизлигини ва ускуналарнинг бекор туриб қолишини камайтириш, меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулини жорий қилиш эвазига меҳнат унумдорлигини плондан ташқари 1,1 процент ўстириш таъминланади. Планга қўшимча равишда 16 минг сўмлик халқ истеъмол моллари тайёрланади.

Тежамкорлик режимини янада кучайтириш, материаллар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришда нобудгарчиликни қисқартириш асосида маҳсулот таннархи плондан ташқари 0,5 процент камайтирилади. Қўшимча равишда 10 минг сўм фойда олинади.

Материаллар ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан 11,5 минг киловатт-соат электр энергияси, 2 тонна автобензин, минг тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади.

Буюмларнинг янги 15 хилини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Давлат Сифат белгили буюмларнинг салмоғи ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 33 процентга етказилади.

Янги техника бўйича тўртта тадбир, сопол буюмлар ва ғиштни қуйиш бўйича автомат, ярим автомат ва механизациялашган поток линиялар жорий қилинади. Иқтисодий самараси 10 минг сўмлик бўлган бешта рационализаторлик таклифи қўлланилади.

Ишчиларнинг 80 процентн меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулига ўтказилади. Ана шу бригадалар тайёрлайдиган буюмларнинг салмоғи 75 процентга етказилади.

Республика юбилейига қадар юз нафар ишчи беш йиллик топшириғини бажаради. «Ресурсларни кўпайтирмай туриб, беш йиллик топшириғини бажарамиз!» шиори остида иккита бригада ишлайди. 35 нафар малакали ишчи, 10 нафар кулол уста тайёрланади, уларнинг касб маҳорати оширилади.

Ёрдамчи хўжалик кенгайтирилади. Қорамоллар сони 25 бошга, экин экиладиган майдонлар эса беш гектарга етказилади.

Социалистик мажбуриятлар завод коллективи йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ У. УМАРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ Учқун **Умаров** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил 4 апрель.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ О. ПАХРАТДИНОВНИ «ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИ АЪЛО ХИЗМАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамоат тартибини сақлашда кўрсатган хизматлари учун Халқ депутатлари Кегайли район Совети ижроия комитети ички ишлар бўлимининг бошлиғи ўртоқ Ўроздбой Пахратдинович **Пахратдинов** СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил 4 апрель.

ВИСТАВКАНИ БОРИБ КЎРИШДИ

3 апрель куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев Москвада ўтказилаётган халқаро ихтисослаштирилган «Металлни қайта ишлаш—84» виставкасини бориб кўрдилар.

Виставканинг совет бўлимида рақамли программа асосида бошқариладиган станокларга ва жумладан, Иваново, Ленинград, Рязань станоксозлик бирлашмалари ишлаб чиқараётган, мураккаб деталларни ишчиларнинг минимал иштирокида ишлашга мўлжалланган асбоб-ускуналарга катта эътибор берилди. Виставкага қўйилган саноат роботларининг намуналари инсонни оғир ва зерикарли операцияларни бажаришдан халос қилиш имконини берадиган шу машиналарни ишлаб чиқариш ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Қайишқоқ ишлаб чиқариш модуллари ва системалари, лазер техникасидан фойдаланиладиган янги технология жараёнлари, металлдан ғоят тежамли фойдаланишни ва юксак унумдорликни таъминлайдиган темирчилик-пресслаш машиналари ва қуюв асбоб-ускуналари алоҳида эътиборни ўзига тортди.

Совет станоксозлиги Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг станоксозлари билан азалдан мустаҳкам алоқа боғлаб келмоқда. Виставкада БХР, ВХР, ГДР, ПХР, РСР, ЧССР ва ЮСФР станоксозлари ўз ютуқларини намойиш этмоқдалар.

Социалистик мамлакатларнинг биргаликдаги иши натижаси бўлган экспонатлар зўр қизиқиш билан кўздан кечирилди.

Совет Иттифоқи металл ишлаш асбоб-ускуналарини чет элларга экспорт қилаётган энг катта мамлакат ҳисобланади. Шу билан бирга СССР машинасозлигининг барча тармоқлари гуркираб ривожланиши муносабати билан СССР айрим турдаги станокларни ва темирчилик-пресслаш машиналарини импорт қилмоқда. Шу асосда ГФР, Япония, Финляндия, Франция, Швейцария, Италия ва бошқа мамлакатларнинг станоксозлари билан ҳамкорлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатларнинг бошлиқларига йўллаган мурожаатига жавобдир.

Н. А. Тихоновга виставка ишлаб турган пайтда совет ташқи савдо ташкилотлари билан ўз маҳсулотини кўргазмага қўйган фирмаларнинг вакиллари ўртасида музокаралар бўлиб ўтганлиги ва шартномалар тузилаётганлиги ҳақида ахборот берилди.

Павильонларни кўздан кечириш пайтида бўлиб ўтган суҳбатда металл ишлаш ва роботсозлик соҳасидаги муҳим проблемаларни ҳал этишда интеграция ва кооперация масалаларига катта эътибор берилди.

Ватанимиз станоксозлигининг ютуқларига юқори баҳо берилди ва партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумлари қарорларига биноан барча машинасозлик тармоқларини техника билан янада тезроқ қайта қуроллантириш учун станоксозликнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш вазифаси қўйилди. (ТАСС).

ТУТАШТИРИШГА ТАЙЁРЛАНИЩМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 4 апрель. (ТАСС). Ю. Малишев, Г. Стрекалов ва Р. Шармадан иборат Совет — Ҳиндистон экипажи бошқараётган «Союз Т-11» космик кемаси Москва вақти билан соат 11 гача Ер теварагидан 12 марта айланиб учди.

Учиш программасига мувофиқ, космонавтлар кема бўлмаларининг герметиклигини текшириб кўрдилар, унинг ичидаги системаларини назорат этиш борасида программада белгиланган ишларни бажардилар. Амалий орбитани вужудга келтириш учун тўртинчи ва бешинчи айланишларда «Салют-7» — «Союз Т-10» илмий-тадқиқот комплекси билан яқинлашиш учун биринчи қўш импульсли маневр ўтказилди.

Траектория ўлчов маълумотларига кўра, «Союз Т-11» кемаси орбитасининг параметрлари ҳозир қуйидагича:

— Ер юзасидан максимал олислиги — 275 километр;
— Ер юзасидан минимал олислиги — 222 километр;
— Айланиш даври — 89,4 минут;
— Оғиши — 51,6 градус.

Учиш нормал ўтмоқда.

Космонавтлар Малишев, Стрекалов ва Шарма ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

ВИЗИТ ТУГАДИ

4 апрель куни Индонезия Республикасининг ташқи ишлар министри М. Кусумаатмажа Москвадан жўнаб кетди. У Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан СССРга келган эди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аҳолига маиший хизматни ривожлантириш ва яхшилаш соҳасидаги хизматлари, планлар ҳамда социалистик мажбуриятларни бажаришда юксак кўрсаткичларга эришганликлари ва жамоат ҳаётида актив иштирок этаётганликлари учун Наманган область «Облбувьрембит» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пойабзалчиси Каримжон **Отабоев**, Қорақалпоғистон республика «Автотехобслуживание» бошқармасининг газ электр пайвандчиси Виктор Александрович **Егоров**, республика «Узмебельбит» саноат бирлашмасининг бошлиғи Абдуазиз Абдувалиевич **Эгамбердиев**, В. И. Ленин номидаги «Ташгоршвейбит» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Назира Ортиқовна **Кенжаева**, Тошкент область «Облбувьрембит» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери Собиржон **Шокиров** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган коммунал-маиший хизмат ходими»** фахрий унвони берди.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги ташкилотлари ва корхоналари ходимларидан бир группаси меҳнатда ва аҳолига маиший хизмат маданиятини оширишда юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлиги умумий бўлими идорасининг мудири ўртоқ Серафима Петровна **Соколовани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлигининг катта референти ўртоқ Чингиз Мақсумович **Жалоловни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИШИМИЗНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

ДАЪВАТ

Задарё районидаги Ильич номли совхоз беш йиллик иккинчи йилида пахта тайёрлаш планини 76 процент уддалади, холос. Хўжалик бир миллион сўмдан зиёд иқтисодий зарар кўрди. Шунда коммунистлар ташвишга тушиб қолишди. Партия комитети хўжаликка раҳбарлик даражасини ошириш тадбирларини белгилади. Раҳбар коммунистлар ва мутахассисларга топширилган ишнинг истиқболи учун жонкуярлик туйғусини тарбиялашга эътибор кучайтирилди.

Очиқ партия йиғилиши чақирилди. Унда билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар ва таклифлардан совхоз экономикасининг ҳамма соҳаларидаги аҳвол чуқур ва принципиаллик билан таҳлил қилинганлиги, цех партия ташкилотлари ва ишлаб чиқариш коллективларининг фаолиятига объектив баҳо берилганлиги кўриниб турибди. Пассив коммунистларга қўйилган талаблардан партия комитети беш йиллик иккинчи йилидаги натижалардан мутлақо қониқмаётганлигини, экономикани янада ривожлантириш ишига бўлган эътибор кучайиб бораётганлигини сезиш мумкин эди.

Совхоз директори У. Насимжонов ҳам шу йиғилишда сўзга чиқди:

— Ўтган хўжалик йилида планни бажара олмай, партия ва халқимиз олдида қарздор бўлиб қолдик, — деди у яяжонланиб. — Биз бу доғни ювишимиз мумкинми? Бунинг учун резерв ва имкониятларимиз етарлими? Ўйлаб кўрадиган бўлсак, келгуси йилларда қолоқлик оқибатларини тугатиш, барча соҳалар бўйича планларни муваффақиятли адо этиш учун имкониятларимиз етарли. Табиат инжиқликларига қарамай, совхозимиз бўйича 25—30 центнерлик маррани илгарилари кўп марта забт этганмиз-ку, ахир?! Шундай экан, қолоқлик сабабларини ўз ишимиздан, партия ташкилотининг ташкилий-сиёсий ва тарбиявий фаолиятидан излаш керак. Энг аввало, мусобақани тўғри ташкил этиб, унинг чинакам оммавийлиги ва самарадорлигини таъминлашимиз лозим.

Йиғилишда мутахассислар, тажрибакор деҳқонлар билдирган мулоҳазалар, таклифлар умумлаштирилиб, конкрет тадбирлар тузиб чиқилди. Улар мўл ҳосил етиштиришга қаратилиб, ғоявий-сиёсий ишларни авж олдириш, социалистик мусобақани кучайтириш, шудгорлашдан бошлаб, ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган барча агротехника ишларини ўз ичига оларди. Йил бўйи бу тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор берилди.

Совхоз коммунистлари, барча меҳнатчилари ғайрат кўрсатиб ишлаганлиги, мусобақа якунлари вақтида чиқарилиб, илғорлар тажрибаси мунтазам ўртоқлашиб борилгани натижасида далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Йиғим-терим ишлари аввалги йилларга нисбатан эртароқ бошланди. Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати Ҳ. Абдуллаева етакчилик қилаётган звено заршунослари 85 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ердан пландаги 35 центнер ўрнига 39,2 центнердан ҳосил олдилар. План 111 процент бажарилди.

Олдинги йил якунларидан тўғри сабоқ олган хўжалик коммунистлари ғайрат кўрсатиб ишладилар. Коммунист Ф. Иброҳимов бошқарувчилик қилаётган 4-бўлим пахтакорлари пахта тайёрлаш бўйича 1983 йилги давлат планини бажарганликлари ҳақида районда биринчи бўлиб рапорт бердилар. Коммунистлардан Х. Йўлдошев, Б. Исоқов, Т. Мингбоев ўртоқлар бошқарган бўлимларда ҳосилдорлик юқори бўлди.

Ялпи ҳосилни оширишда биринчи бўлим пахтакорлари, айниқса, катта одим ташладилар. Коммунист Баҳриддин Исоқов бошлиқ бу бўлимда 586 гектар ерга чигит экилганди. «Оқ олтин» усталари ҳар гектар ердан пландаги 34,9 центнер ўрнига 37,5 центнердан ҳосил ундириб, давлатга 2196 тонна хом ашё сотдилар. Бунга ғўзага ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб олишда комплекс механизацияни жорий қилиш билан меҳнат унумдорлигини анча кўтариш ва шу асосда деҳқончилик самарадорлигини ошириш натижасида эришилди. Совхоз пахта тайёрлаш планини 104 процент бажарди. Қабул пунктларига 9688 тонна пахта етказиб берилди. Фақат пахтанинг ўзидангина 1 миллион 72 минг сўм соф фойда олинди.

Партия комитети пахтачиликни ривожлантириш бир бир қаторда чорвачилик, полизчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик соҳаларига ҳам яқиндан эътибор бериб келмоқда. Ўтган хўжалик йилида бу соҳалар бўйича ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди. Гўшт тайёрлаш плани 104 процент, сут — 103, тухум — 114, жун — 103 процент қилиб адо этилди. 4 минг тоннага яқин полиз маҳсулотлари, 150 тонна сабзавот ва 80 тонна мева меҳнаткашлар дастурхонига етказиб берилди.

Кўриниб турибдики, ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида совхоз ишчилари қувончли кўрсаткичларга эришдилар. Хўжалик Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига 10500 тонна пахта, 4 минг тоннадан зиёд полиз маҳсулотлари, кўплаб сабзавот ва мева етиштириш мажбуриятини олган совхоз коллективи кўкламги дала ишларини уюшқоқлик билан бошлаб юборди. Партия ташкилоти мусобақада коммунистлар авангардлигини тобора кучайтиряпти. Белгиланган тадбирлар қандай амалга оширилаётганлиги ҳақидаги ҳисоботлар комитет мажлислари ва партия йиғилишларида қараб чиқилмоқда. Натижада коммунистларнинг ташаббускорлиги кучаймоқда. Цех партия ташкилотлари фаолияти изчиллик, амалийлик касб этмоқда.

Ҳадемай, ерга барака уруғи тушади. Далалардаги қизғин меҳнат ильичликларнинг юбилей йилида кўзлаган улкан хирмонларига замин, албатта.

О. БОБОЖОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Қувонч сатрлари

САЛМОҚЛИ НАТИЖА

● Бу йил меҳнат унумдорлигини пландан ташқари уч процент ошириш, маҳсулот таннархини эса 0,5 процент камайтиришга аҳд қилган Чуст бадиий буюмлар фабрикаси коллективи топшириққа қўшимча 200 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадилар. Чеварлар иқтисод ва тежамкорлик ҳисобига 26 минг сўм фойда олиш ва 9 хил маҳсулотни давлат Сифат белгиси билан чиқаришни ҳам кўзда тутганлар.

Фабрика йилнинг биринчи квартали топшириқларини барвақт бажариб, бир ярим миллион сўмликдан зиёд иш бажарди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 200 минг сўмлик кўп.

К. БОБОХОНОВ.

МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА — 1986 ЙИЛ

● «Илғор бульдозерчи Юсуфжон Усмонов ўз меҳнат календарида 1986 йил ҳисобини очди...»

«Андижанводстрой» трестига қарашли 4-механизациялашган кўчма колонна идораси олдида пайдо бўлган «Молния»да ёш коммунист Ю. Усмоновнинг бугунгача ўн биринчи беш йиллик ҳисобига 328 минг кубометр тупроқ ишлари бажарганлиги ва У. Пошшаев, У. Омонов сингари малакали шогирдлар тайёрлаганлиги ҳақида ҳам хабар қилинди.

Р. ТОШКАНОВ.

БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

● «Самаркандгеология» бирлашмасига қарашли Зармитан дала-геология қидирув экспедицияси коллективи 1983 йил социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи, диплом ҳамда пул мукофотларини олишга сазовор бўлганди.

Яқинда Зармитан посёлкаси клубида экспедиция хазинатоғларларига кўчма Қизил байроқни топшириш тантанаси бўлиб ўтди. Кончилар янада ғайрат билан ишлаб, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш сифатини яхшилаш, маҳсулот таннархини камайтиришга сўз бердилар.

А. НОРБОЕВ.

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

Ленин номли колхоз Ромитан районидаги энг илғор хўжаликларидан бири ҳисобланади.

Колхоз деҳқонлари бу йил давлатга 6500 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олишган. Далаларда иш юксак мажбуриятга яраша ташкил этилган. Шу кунга қадар 1984 гектар ернинг шўри ювилди. Айни пайтда хўжалик деҳқонлари иккинчи шўр ювишни қизғин давом эттиряптилар. Бу ишга моҳир сувчилар жалб этилган.

Маҳаллий ўғит жамғарадиган отряднар аъзолари ҳам уюшқоқлик билан меҳнат қилишяпти.

Р. ТЎЛАЕВ.

* * *

Худди шунингдек, хат-хабарлар навбаҳорлик **Ҳ. Тўраев** зоминлик **Ш. Умрзоқов**, арнасойлик **М. Аткишев**, гулистонлик **А. Умрзоқов** ўртоқларидан ҳам олинди. Улар хўжаликларда кўкламги дала ишлари яхши ва намунали ташкил этилганлигини қувонч билан хабар қилишади.



ДУГОНАЛАР

Икки дугона — Муҳаббат Алимбекова билан Мавлуда Баротбоева мактабни битиришлари билан оқ, Фарғона тўқимачилик комбинатига ишга келишди. Ёшлар корхона тўқувчилик ишлаб чиқаришининг тайёрлов цехида ишлай бошлашди. Қисқа вақт ичида ўровчилик касбини ўзлаштириб олгач, мустақил ишга ўтдилар. Тўрт йилдирки, улар шахсий топшириқларини муттасил ошиғи билан бажариб келишмоқда. Ҳар бири смена давомида 150—156 килограмм ўрнига 190 килограммгача калава ўрояпти.

Суратда: социалистик мусобақа пешқадамлари [чапдан] М. Баротбоева билан М. Алимбекова.

В. Молчаев фотоси.

ВЕНГЕР ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнатчилари барча совет кишилари билан биргаликда Социалистик Венгриянинг миллий байрами — мамлакат фашизмдан озод қилинганлигининг 39 йиллигини нишонламоқдалар. Шонли санага бағишланиб 4 апрель куни Тошкент жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан кишиларнинг уқтиришича, Совет Армиясининг 1945 йил апрелидаги ғалабалари натижасида венгер меҳнаткашлари фашизм зулмидан абадий халос бўлиб, янги турмуш қуриш йўлига ўтдилар. Кўп йиллардан бери Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари мавжуддир, бу алоқаларни ривожлантиришга Ўзбекистон ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Шу куни Тошкентдаги «Дўстлик» магазинида венгер китоблари виставкаси очилди.

(ЎзТАГ).

▲ УСТЬ-КУТ

(Иркутск области)

«Главбамстрой» бўлинмалари Байкал-Амур магистралини электрлаштириш муҳим босқичига киришди. Звёздний посёлкасида электровозлар подстанцияси қурила бошлади. Бу — Усть-Кутдан Таксимогача боладиган участкада биринчи подстанциядир. Шу ишлар битгач, электровозлар Байкал ва Шимолий Муй тоннеллари бўсағаларига мураккаб перегонлар орқали вагон составларини тортиб боради. Натижада магистралда поезд қатнови ортади. Шу беш йилликда электр поездлар трасса бошидан Нижнеангарсккача пассажирлар ва юкларни ташиб бошлайди.

▲ ЖИРҒАТОЛ

(Тожикистон ССР)

Баланд тоғликдаги «Бўстон» совхозида ҳайдаш бошлаган 200 гектар бўз ер «пудрат самараси» деб аталди. Бригада пудратини жорий этиш натижасида хўжалик экономикасини анча мустаҳкамлаш мумкин бўлди. Даромадларнинг бир қисми ерларни мелиорациялашга сарфланди. Рентабеллик ўсиши туфайли баланд тоғликдаги зонанинг ҳамма хўжаликлари шу йил ерларни суғоришга катта-катта маблағ ажратди.

▲ РИГА

Рига гидрометеорология приборлари тажриба заводида тайёрлаб чиқарила бошлаган транзисторли термометрлар ҳар қандай муҳитда температурани аниқ ва тез белгилашга имкон беради. Аппарат Цельсий ҳисоби билан минус 10 градусдан плюс 80 градусгача ўлчай оладн. Термометр 6 хил моделда тайёрлаб чиқарилмоқда. Бу нарса унинг халқ хўжалиги кўпгина тармоқларида ишлатилишига имконият беради.

▲ КУРГАН

Курган кўприк конструкциялари заводининг коллективи ясаган қанотлардан пайвандсиз кўприк ўмғиш мумкин бўлади. Шу автомобиль кўприги Ленинградда қурилади. Бу ерда шаҳарни тошқиндан ҳимоя этиш учун гидротехник комплекс қурилмоқда. Кўприк 12 қанотнинг ҳаммаси алоҳида пишиқ болтлар билан маҳкамланади. Бу нарса кўприк қуришни анча тезлатишга имкон беради.

(ТАСС).

ВАТАН МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

ОРЖОНИКИДЗЕ, 4 апрель. (ТАСС). Шимолий Осетия пойтахти — Оржоникидзе кўчалари, проспектлари ва майдонлари байрам либосида. Меҳнаткашлар хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари учун, уларнинг революцион ҳаракатдаги, Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларга қарши курашдаги хизматларини тақдирлаб ҳамда асос солинганига 200 йил тўлиши муносабати билан шаҳар Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Бугун, бу ерда партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида шаҳар партия комитети билан халқ депутатлари шаҳар Советининг юксак мукофот топширилишига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси фахрий президиумга баланд руҳ билан сайланди.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев нутқ сўзлади. У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан шаҳар меҳнаткашларини юксак мукофот билан астойдил қутлади.

Шаҳарнинг шонли юбилейи жуда яхши, чинакам ишчанлик вазиятида нишонланмоқда, деб таъкидлади нотиқ. Партия ва совет халқи КПСС XXVI съезди иқтисодий, социал ва сиёсий соҳаларда белгилаб берган йўлни баланд руҳ билан амалга ошириш учун меҳнат қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль Пленуми мамлакат ҳаётида муҳим сиёсий воқеа бўлди. Пленумда ўртоқ К. У. Черненконинг нутқи, унинг сайловчилар ҳузурида ҳамда КПСС Марказий Комитети аппарати ходимлари билан учрашувда сўзлаган нутқлари партия билан халқни чуқур ғоялар ва аниқ йўл-йўриқлар билан қуроллантирди. Бугунги кунда шу йўл-йўриқлар барча партия ва бошқа жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективлари, совет ва хўжалик органларининг фаолияти учун пухта йўналтирувчи ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Е. К. Лигачев шаҳар партия комитетининг ўтган йўлни таҳлилидаги, бугунги кунда Шимолий Осетия пойтахти йирик индустриал, илмий ва маданий марказидир, деди. Шаҳар саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам яхши маълум. Бу ерда кўп миллатларнинг вакиллари битта оила бўлиб яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Халқларнинг муттасил мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги — буюк ғалабамиз, янада муваффақиятли олға силжишимизнинг гаровидир.

Е. К. Лигачев Оржоникидзе шаҳрини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб берди ва мажлис қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида мукофотни шаҳар байроғига қадаб қўйди.

Мажлисда сўзга чиққан Оржоникидзе шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Р. В. Себетов, КПСС Шимолий Осетия область комитетининг биринчи секретари В. Е. Одинцов, ишлаб чиқариш илғорлари, зиёлиларнинг вакиллари, уруш ва меҳнат ветеранлари янада самарали ишлаб, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини амалга оширишга, беш йиллик топшириқларини бажаришга қўшадиган ҳиссамизни кўпайтирамиз, деб ваъда бердилар.

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ!

ҲАР КУН ҒАНИМАТ

Сўнгги ўн кун ичида республикамизда кўчат ўтқазиш кенг кўламда олиб борилди. Ана шу давр мобайнида 52 миллион 400 минг тупдан зиёд ҳар хил ниҳол экилди. Бу йиллик топшириқнинг қарийб 30 процентини ташкил қилади.

Тошкент области меҳнатчилари кўчат ўтқазишда зарбдорларча ишладилар. Улар ҳар куни 1 миллион тупдан ниҳол экишга муваффақ бўлдилар. Бу иш Андижон, Самарқанд, Хоразм, Бухоро областларида, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети, Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармасида ҳам юқори суръатлар билан олиб борилди. Улар ўн кунда йиллик топшириқнинг 10—70 процентини адо этдилар.

Бироқ Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё областларида, шунингдек, «Узбекгидроэнергострой», республика Биноқорлик материаллари саноати, Озиқ-овқат саноати, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрликларида кўчат экиш ўта сусткашлик билан олиб борилди. Улар ўн кун ичида йиллик топшириқнинг атиги 3—9 процентини уддаладилар, холос. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Навоий областлари шу пайтгача Р. Р. Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа ташкилотлардан ниҳолларни танлаб олишгани йўқ.

Боғлар ва узумзорларга аж-ратилган ҳар гектар ердан оқилона фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Афсуски, Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Жиззах областларида кўчатлар ёмон парваришланаётгани сабабли ниҳоллар тутиб кетмаяпти. Бу нарса дарахтзорларнинг сийракланиб қолишига сабаб бўлаётир.

Ҳозир боғбонлар ва соҳибкорлар олдида катта вазифа — дарахтзорларнинг сийракланиб қолишига барҳам бериш масаласи турибди. Шунинг учун тезлик билан боғлар ва узумзорларни тиклаш зарур. Зарурат туғилса, кам ҳосилли, зараркунандалар ва касалликларга қаттиқ чалинган дарахтлар ўрнига кўп ҳосил берадиган навли кўчатларни ўтқазиш лозим. Бунда стандарт талабларига жавоб берувчи ниҳолларни танлашга, уларнинг сифатига алоҳида эътибор қилиш керак.

Партия, совет органлари апрель ойининг биринчи ярмида кўчат ўтқазишдаги нуқсонларга барҳам бериш ва қолоқликни тугатиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрмоқлари даркор.

Юксак уюшқоқлик, қатъият ва ғайрат-шижоат бўлган жойдагина кўчат ўтқазиш бўйича белгиланган ишлар ҳажмини тез ва сифатли адо этиш мумкин. Ҳаво очиқ келган ҳар бир кундан иложи борича кўпроқ фойдаланиш, кўчат ўтқазиш ишларини қисқа муддатларда тугаллаш учун ҳамма кучларни сафарбар қилайлик.

ОБЛАСТЛАР, МИНИСТРЛИКЛАР ВА ИДОРАЛАР БЎЙИЧА КЎЧАТ ЎТҚАЗИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 2 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Тошкент	102,3
Тошкент шаҳри	90,3
Самарқанд	77,0
Андижон	72,9
Сурхондарё	63,7
Фарғона	54,5
Хоразм	48,9
Бухоро	47,1
Сирдарё	46,3
Наманган	46,0
Жиззах	29,1
Қашқадарё	20,5
Навоий	8,0
Қорақалпоғистон АССР	6,1
* * *	
ВДНХ	99,1
Тошкент шаҳар ижроия комитети	92,0
Ҳунар-техника таълими давлат комитети	90,8
Граждан авиацияси бошқармаси	89,1
«Узколхозстрой»	87,7
Тайёрлаш министрлиги	86,7
Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	70,8
Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси	63,1
Пахта тозалаш саноати министрлиги	61,9
Геология министрлиги	61,1
«Госкомсельхозтехника»	58,7
Қишлоқ хўжалик министрлиги	57,8
Уй-жой-коммунал хўжалик министрлиги	56,3
Ўрмон хўжалиги министрлиги	49,6
Соғлиқни сақлаш министрлиги	48,8
Автомобиль транспорти министрлиги	48,4
ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими	48,2
Савдо министрлиги	47,3
«Госкомнефтепродукт»	46,1
Маҳаллий саноат министрлиги	45,9
Ўзбекистон қурилиш банки	45,0
Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги	44,4
Алоқа министрлиги	42,6
Автомобиль йўллари қуриш ва ундан фойдаланиш министрлиги	42,4
Маданият министрлиги	42,4
Ички ишлар министрлиги	39,2
Социал таъминот министрлиги	38,1
Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	37,6
Қурилиш министрлиги	34,6
Спорт комитети	30,6
«Ўзбекбирлашув»	27,6
Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети	27,6
Гўшт ва сут саноати министрлиги	25,6
Қишлоқ қурилиши министрлиги	24,4
«Главсредазирсовхозстрой»	22,1
Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги	20,8
Енгил саноат министрлиги	20,4
Озиқ-овқат саноати министрлиги	19,0
Биноқорлик материаллари саноати министрлиги	17,9
«Узбекгидроэнергострой»	11,3

МАШИНАЛАР ЗИММАСИГА

Техникани юксак унум билан ишлатайлик

Мана шу баҳор кунларида механизаторлар коллективимиз фақат бир нарса ҳақида — имкони борича кўпроқ пахта етиштириш ва давлатга топшириш учун дала ишларини муваффақиятли ўтказиш, мўл ҳосил учун пухта замин тайёрлаш тўғрисида ўйлаяпти.

Бизнинг совхозимиз — йирик, илғор хўжалик. Обҳаво инжиқ келган ўтган йилда ҳам деҳқонларимиз гектар бошига 34,6 центнердан хирмон кўтариб, жами 11760 тонна пахта етиштирдилар. Бу, бурноғи йилдагидан ҳам кўпдир. Пахтачиликда банд бўлган ҳар бир киши ҳисобига йилига 100 центнердан хом ашё тайёрланмоқда. Агар уни пулга чақадиган бўлсак, бу 9 минг сўмдан кўпни ташкил қилади. Хўжалигимиз ўтган йили ҳаммаси бўлиб 11,3 миллион сўм даромад кўрди. Шундан 3,4 миллион сўми соф фойдадир.

Кўриниб турибдики, кўрсаткичларимиз ёмон эмас. Лекин кўпгина резерв ва имкониятлар ҳамон фойдаланилмасдан қоляпти. Хўш, бу резервлар нималардан иборат?

Хўжалигимизда турли мақсадларга мўлжалланган 200 та трактор, 70 та пахта териш машинаси, 33 та юк автомашинаси, кўплаб миқдорда бошқа хил қишлоқ хўжалик техникаси бор. Сўнгги уч йил ичида совхозимизнинг техник имкониятлари учдан бир қиссага ўсди. Аммо товар маҳсулоти фақат 20 процентагина кўпайди, холос. Айни пайтда иш ҳақи меҳнат унумдорлиги ўсишига нисбатан 9 процентга ошиб кетди.

Бундай аҳволнинг сабаби нимада? Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бунга ишлаб чиқариш потенциалидан, айниқса, моддий-техника ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги пастлиги сабаб бўлаётир. Бизда техниклар кўп. Бироқ, технология жараёнларининг кўпи ҳамон қўлда адо этилмоқда. Бу, бегона ўтларни йўқотиш, ягана ва чопиқ қилиш, пахтани териш каби ишлардир.

Энди машина-трактор паркидаги ҳисоб-китобга назар ташлайлик. Текширишлардан шу нарса маълум бўлдики, ўтган йили хўжалик бўйича эталон тракторлардан ўрта ҳисобда фақат 153 кун фойдаланилган, холос. Майли, бир ой ремонт ишларига кетган, деб фараз қилайлик. Бунга яна дам олиш ва байрам кунларидан 50 тасини қўшайлик. Шунда ҳам 120 иш кунида техника бекор туриб қолган.

Яна шундай фактлар ҳам борки, айрим бўлимларда чопиқ тракторлари йилига икки ойдан ҳам кам ишлаган. Демак, айрим механизаторлар пландаги иш нормасини бажармаган, деган хулоса келиб чиқади.

Ҳосилни йиғиб-териб олиш хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Совхоз расмий ҳисоб-китобларга кўра, 1983 йил кузида 67 та пахта териш машинасини далага чиқарган. Бухгалтериядаги маълумотлар битта агрегат йилига ўртача 112 тоннадан пахта терганлигидан далолат беради. 17 нафар механик-ҳайдовчи эса мавсумда 140—160 тоннадан терган. Шундай қилиб, механизаторларнинг аксарияти ўз машиналари бункеридан 80—90 тоннадан «оқ олтин»ни тўкишган. Шундай экипажлар ҳам борки, улар бор-йўғи 50 тоннадан пахта теришди. Ҳамма гап шундаки, техникадан группа бўлиб фойдаланиш принципига кўпинча амал қилинмайди. Машиналарни техник жиҳатдан қараб туриш графиклари бузиляпти. Машиналар эҳтиёт қисмлар ва узеллар билан ўз вақтида таъминланмаслиги туфайли бекор туриб қолмоқда.

Биз хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари ҳосилни етиштиришнинг индустриал технологиясидан фойдаланишга нисбатан кўпроқ талабчанлик руҳида муносабатда бўлишлари керак, деб ҳисоблаймиз. Қаранг, совхоз бир йил ичида пахта майдонлари маҳсулдорлигини 6 центнерга кўпайтиришга муваффақ бўлди. Лекин киманинг эвазига? Биз майдонларнинг аксарият қисмида ингичка толали пахтанинг янги хил навларини экишга ўтдик. Ўртача толали навнинг капсулланган чигитларини қададик. Эгат ораларига машина терими талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлов бердик. Умуман олганда эса индустриал технологияга ҳамма жойда ҳам бир хил даражада эътибор берилди, деб бўлмайди. Чигитларни аниқ ташлашнинг аҳамиятига тўғри баҳо бера олмаслик туфайли ягана қарийб ҳамма жойда қўлда бажарилади. Чеканка сифатига нисбатан талабчанликнинг бўшашиб кетганлиги оқибатида кўсаклар миқдори камайиб кетди. Йиғим-терим техникасининг сусткашлик билан ишга солиниши эса қўл теримига зўр беришга олиб келди.

Биз бу ҳақда яна шунинг учун ҳам очиқ-ойдин айтмоқдамизки, ҳар гектар қўриқ ерни ўзлаштириш ва суғориш, ҳар битта янги машинанинг дунёга келиши давлатимизга жуда қимматга тушаётганини яхши биламиз. Ер ва техникадан самарали фойдаланиш, уларни юксак унум билан ишлатиш керак. Биз суғориладиган зоналар учун эталон тракторда камида шартли равишда 1500 гектар ер ишланиши, икки қаторли ҳар бир пахта териш машинасида 140—160 тонна пахта терилиши керак деб ўйлаймиз.

Пахтачиликда қўл меҳнатини кескин камайтириш пайти келди. Фақат шу йўл билангина пахта йиғим-теримига шаҳарликларни оммавий равишда жалб қилишдан воз кечиш мумкин. Амалда эса нима бўляпти, ўзи? Хўжаликда қўл терими учун сарфланган жами пул сарфининг 60 процентдан кўпроғи ўтган йили жалб этилган ходимларга тўланди. Бу қарийб ярим миллион сўм, демакдир. Ҳосилни йиғиб-териб олишга бошқа томондан қарайлик. Бизнинг хўжалигимизда битта йиғим-терим агрегатига 51 гектар пахтазор тўғри келади, ваҳолонки, белгиланган нормаларга мувофиқ бу кўрсаткичлар 35 гектардан ошмаслиги керак. Синиб қолишлар ва кўзда тутилмаган бошқа сабаблар туфайли ҳар битта агрегатга ҳозир 38—40 гектардан майдон тўғри келяпти. Ҳар гектар майдондан ўртача 35—40 центнердан хом ашё етиштирилиши ҳар битта агрегатга 140—160 тоннадан пахта етиштириш имконини беради. Хўш, жуда кўплаб маблағларни четдан жалб этилган теримчиларга тўлаган яхшими ёки зарур миқдордаги пахта териш машиналарини қўшимча сотиб олган маъқулми?

Жавоб битта: пахта териш машиналари паркини тўлдирган маъқул. Совхозга яна камида 35 та янги агрегат зарур. Бунинг учун хўжаликда пул бор.

Албатта, пахта териш машинасининг ўзи ишламайди. Икки сменада ишлайдиган механик ҳайдовчилар экипажи, техника хизмати кўрсатувчи бригадалар бўлгани яхши. Бундан ташқари коллектив пудратга ўтиб ишлаш ниҳоятда зарур. Бу тўғрисида шуни айтишимиз мумкин: ҳозирги бригадалар, шу жумладан, коллектив пудратига ўтган бригадалар, ҳам техникадан самарали фойдаланишни таъминлашга қодир эмаслар. Улар ҳар хил экин майдонларига ва табиийки, машиналарга нисбатан турлича эҳтиёжга эгадирлар. Бир хил ҳолларда тракторлар жуда зўр бериб ишлатиляпти. Бошқаларда эса ундан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Бизнинг фикримизча, қўшни Сурхондарё областида бунинг энг мақбул йўлини топишган. Коллектив пудратга ўтган 4—6 та бригададан иборат алмашлаб экиш участкаларининг ташкил этилганлиги участкаларга бўйсунувчи механизациялашган отрядни тузиш ва техникадан юксак самара билан фойдаланишни таъминлаш имконини яратди.

Бу вазифа механизатор кадрларни тайёрлаш ва уларнинг мустаҳкамланиб қолишлари масаласига жиддийроқ ёндашишни талаб қилади. Масалан, бизнинг совхозимизга икки сменали экипажларни шакллантириш учун қўшимча яна кенг профилли 120 механизатор талаб қилинади. Районнинг бошқа хўжаликлари учун эса 700 нафар механизатор керак. Районимизда жойлашган қишлоқ ҳунар-техника билим юрти бу йил фақат 240 тракторчи тайёрлайди. Қолганларини эса зудлик билан умумтаълим курсларида тайёрлаш лозим.

Мулоҳазаларимиз сўнгида ингичка толали пахтани машинада териш тўғрисида бир неча оғиз сўз айтмоқчимиз. Ўтган йили хўжаликда ва районда ингичка толали пахта майдонларнинг 40 процентига экилди. Бу йил улар майдонларнинг 60 процентида етиштирилади. Бизнинг механизаторларимиз ҳосилни қўплаб ишлаб чиқарилаётган машиналарда теришга мослашиб олдилар. Лекин ингичка толали пахтани терадиган махсус терим агрегати керак. Аммо биз янги техникани кутиб қўл қовуштириб ўтирмоқчи эмасмиз. Бу йил етиштирилаётган ҳосилнинг камида 80 процентини машиналарда териб олишни кўзлаяпмиз. Техникани икки сменада ишлатиш меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш борасида олдимизга қўйилган вазифани бажаришимизни таъминлайди.

Ульянов номли совхоз механик-ҳайдовчилари: Раҳматулла ТЎРАЕВ — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Гулчеҳра МЎМИНОВА — комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, Ризо ҲАМРОЕВ, Суннатулло ШИРИНОВ, Давлат ЧЎЛИЕВ, Алибой ОМОНОВ, Ашур ҲАҚБЕРДИЕВ, Аҳад ҲАҚМУРОДОВ, Зиёдулла РЎЗИЕВ.

Қашқадарё области,
Ўзбекистон ССР.

(«Сельская жизнь», 1984 йил 3 апрель).

СЎЗ—БАЙРОҚДОРЛАРГА

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ШОЛИ

Колхозимиз аъзолари ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили марраларини эгаллаш йўлида зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллиги шарафига қабул қилинган мажбуриятга кўра, бу йил 10 минг тонна пахта, 7500 тонна шоли етиштиришимиз, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча тармоқларини комплекс юксалтиришимиз керак.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленумида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ К. У. Черненко айтганидек, тўғри мақсадларни ўртага қўя билишгина эмас, шу билан бирга, бу мақсадларга сабот билан эришиш ҳам керак. Эришилган натижаларни реалистик тарзда баҳолаш, уни бўрттириб юбормаслик, айни вақтда камситмаслик, ҳамиша олға бориш зарурлиги Пленумда алоҳида уқтириб ўтилди.

Биз ўтган йил якунларини партиямизнинг ана шу талаби нуқтаи назаридан атрофлича таҳлил қилиб чиқдик. Аввало қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш юзасидан ўтган йили зиммага олинган мажбуриятлар муваффақиятли бажарилганлигини қайд этишимиз керак.

Ўтган йили планда белгиланган 7300 тонна ўрнига 9500 тонна пахта етиштирилди, план асосан биринчи сорт ҳосилига бажарилди. Ленин ордени кавалери Аллом Маткаримов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Гулиммат Ҳайтимматовлар бошлиқ бригадалар 60 центнерлик маррани эгаллашди. Отажон Бобожонов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадада ҳам ҳосилдорлик 60 центнерга етказилди, машина терими салмоғи ошди.

Колхозимизда шолининг ялпи хирмони ва ҳосилдорлиги йилдан йилга ўсишига эришилмоқда. Беш йилликнинг ўтган уч йили ичида 18 минг тонна ўрнига 22 минг тоннадан зиёд «қирмизи дон» эл ҳазинасига тўкилди. Ўтган йилнинг ўзида планга қўшимча равишда 1100 тоннага яқин шоли ҳосили йиғиштириб олинди. Рустам Аҳмедов, Тю Владимир, Исмоил Собиров бошлиқ илғор бригадалар пудрат методи афзалликларидан моҳирона фойдаланиб, мўл ва арзон шоли етиштиришда энг яхши кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Бу бригадаларда ҳар гектар майдондан 75—80 центнердан ҳосил олинди.

Бу йил меҳнатни ташкил этишнинг бригада ва звено пудрати методига тўла-тўкис ўтишга қарор қилдик. Кўкламги экишга тайёргарлик авж олган шу кунларда бу прогрессив усулнинг афзаллиги яққол намоён бўлмоқда.

Колхозчиларимиз пудрат усулида ишлаганда моддий манфаатдорлик пировард натижага боғлиқ эканлигини яхши билишади. Бир мисол келтираман. Гулиммат Ҳайтимматовлар оиласидан тўқиз киши колхоз ишлаб чиқаришида фаол қатнашади. Механизаторлар Гулиммат, Аҳмад, Юсуф, Нурмат, оддий колхозчилар Солия, Малика, Гулбаҳор, Ҳайитжон йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб, «оқ олтин» хирмонига баракали ҳисса қўшмоқдалар, Оиланинг умумий даромади ўтган йили 15 минг 510 сўмни ташкил этди. А. Маткаримов бошлиқ 60 центнерчи бригада аъзоси Ўрозбой Авазбоев 3743 сўм даромад олди, яъни ўртача ойлик маоши 310 сўмдан кўпроқни ташкил этди. Бобожон Раҳимова, Мурод Раҳимов оилалари ҳам ҳалол меҳнат эвазига катта даромад олишди. Улар ҳозирги пайтда дала ишларини намунали адо этишда бошқаларга ўрнак бўлаётирлар.

Колхоз бўйича 1983 йилги умумий даромад 10 миллион сўмга етди. Бу — 1982 йилдагидан икки ярим миллион сўм кўпдир. Даромаднинг кўпайиши капитал қурилишга, техника сотиб олишга кўпроқ маблағ сарфлаш, колхозчиларнинг моддий ва маданий фаровонлигини тобора ошириш имконини бермоқда.

Пахтачилик ва шоличилик билан бир қаторда хўжаликнинг бошқа тармоқлари ҳам жадал ривожланишига эришмоқдамиз. Беш йилликнинг учинчи йилида планда белгиланган 118 тонна ўрнига 184 тонна гўшт, 980 тонна ўрнига 1130 тонна сут, 170 минг дона ўрнига 298 минг дона тухум, 36,2 тонна ўрнига 45,3 тонна пилла тайёрланди. Сабзавот, қовун-тарвуз, мева етиштириш кўпайди. Аммо деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг таннархи ҳамон қимматга тушмоқда. Механизациядан, моддий ресурслардан фойдаланишда анчагина камчиликлар бор. Ишга солинмаган резервлар ҳам талайгина. Деҳқончилик маданиятини юксалтириш, фан ютуқларини дадилроқ жорий этиш, комплекс механизациялаш негизида меҳнат унумдорлигини ошириш тадбирлари белгиланди. Бутун диққат-эътиборни сўз билан иш бирлигини таъминлашга қаратмоқдамиз.

Мўл ҳосилнинг пойдевори ҳозирдан бунёд этилиши керак. «Эрта эккан хирмон уяр, кеча қолган армон қилар», деб бежиз айтилмаган. Деҳқон баҳори бошланди. Далаларда иш қизиб кетди.

Биз шоли, беда, маккажўхори, сабзавот ва қовун-тарвуз, шунингдек, ҳар хил озуқа экинлари экишга пухта ҳозирлик кўрмоқдамиз. Етарли уруғлик жамғариб қўйилди, ерларни экиш учун тайёрлашга киришилди. Пахта-шоли алмашлаб экиш тажрибаси яхши самара берганлигини ҳисобга олиб, бу тадбирни кенг қўлланмоқчимиз.

1983 йил якунига кўра, районимиз Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети кўчма Қизил байроғига сазовор бўлганлиги ғайратимизга-ғайрат қўшиб, бизни янада яхшироқ меҳнат қилишга, юбилей йилида янги зафарларни қўлга киритишга илҳомлантирмоқда. Беш йилликнинг тўртинчи йили марралари эгалланишига шубҳа йўқ. Колхозимиз азаматларининг меҳнат активлиги ва уюшқоқлиги, онгли интизоми ва ташаббускорлиги шундан яққол далолат бермоқда.

А. КИМ,
Гурлан районидаги «Коммунизм» колхози раиси.

ЯЙЛОВ БАҲОДИРЛАРИ

РЕПОРТАЖ

Бепоён Қизилқум... Унинг бағрида бугунги кунда ўнлаб хўжаликлар саҳро саховатини чорвачилик маҳсулотларига айлантириб, халқнинг бу борадаги талабини қондириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу сафар йўлимиз Фориш районидаги Ильич номли совхозга тушди.

Бу ернинг яйловлари бошқа ерлардагидан кескин фарқ қилади. Саксовулли барханлар ҳозирча нам туфайли «сафарларига» чек қўйиб, дам олянти. Эндигина қори эриган яйловлар яшил майсалар билан қоплана бошлади. Совхознинг биринчи бўлими чўпонлари қўзилатиш мавсумини муваффақиятли бошлаб юбордилар. Бўлимнинг Ботир Алиев бош чўпонлик қилаётган отарига совхоз директори, тажрибали чорвадор Абилхон Ерембетов билан бордик.

Унинг хўжаликка раҳбарлик қилаётганига ўн йилдан ошди. Қизилқумдаги фидокорона меҳнати туфайли Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Ўтган йили у бошқараётган коллектив давлатга 400 тонна гўшт, 110 тонна жун, 20 минг донага яқин қоракўл тери етказиб берди. Ҳар юз бош совлиқдан 155 тадан қўзи олиниб, 13 минг бошга яқин соғлом қўзи ўстиришга қолдирилди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифати ошганлиги учун совхоз республика социалистик мусобақаси ғолиби деб топилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

— Қўйчиликни ривожлантириш учун Қизилқумда жуда катта имкониятлар мавжуд, — дейди Абилхон ака машинамиз бепоён Қизилқум барханлари оша одимлаб бораркан.—Бунинг учун катта меҳнат, чидам, тадбиркорлик зарур. Биз саксовул, изень ва бошқа экинлар экиб, яйловларни ўзлаштириб келяпмиз.

Отарга етиб борганимизда Ботир Алиев чўликлар билан қўйларни яйловларга ҳайдаётган экан. Биз бунинг сабабини сўрадик.

— Биласизми, қиш жуда чўзилиб кетди. Яйловлардан қор эндигина ариди. Отаримиздаги совлиқлар асосан қўзилаб бўлди.

Қизилқум қоракўли жаҳон бозорида қимматбаҳо терилардан ҳисобланади. Уларнинг бир донаси учун давлат 50 сўм атрофида пул тўлайди. Машҳур фориш сури, каҳрабо, кумуш ранг қоракўл терилар эса жуда қимматбаҳо ҳисобланади. Лекин кейинги пайтларда СЖКга зўр бериб, сон орқасидан қувиш туфайли қоракўл териларнинг сифати пасайиб кетаётгани, ҳажми кичиклашаётгани чорвадорларимизни ғоятда ташвишлантирмоқда.

— Мен шуни фахр билан айтишим керакки, — дейди Абилхон ака. — Ботир Алиев, Қорабек Мирхонов, Норбой Тоғаймуродов, Жониқул Бобомуродов, Ўрол Дўсибоев, Хўжам Қаршиев каби илғор чўпонларимиз препаратдан оқилона фойдаланиб, сифатли, ҳажми анча катта қоракўл тери олишмоқда.

— Кўр-кўрона иш тутиб, сон кетидан қувиш қўйларимизнинг наслига ҳам зарар етказади, — дейди Ботир Алиев. — Энди эса бу борадаги ишимиз ҳам яхшиланиб, қоракўл қўйларининг наслли бўлишига аҳамият берямпиз. Натижада қоракўл тери сифати яхшиланяпти. Биз ўтган йили ҳар юз совлиқдан 200 га яқин қўзи олдик. Топширган қоракўл теримизнинг 97 процента биринчи сортга қабул қилинди. Оқибатда чўпон-чўликларимизнинг шахсий даромади ҳам ошди.

Биз хўжалик чорвадорларининг тажрибалари билан танишишда давом этдик. Чўпонлар яйловларни ортиқча топталишига йўл қўймасдан улардан навбати билан фойдаланиб, ўтларнинг бемалол ўсишига имкон беряптилар. Куз ойларида эса 50 минг бошга яқин қўй қўшни пахтакор хўжаликларнинг экиндан бўшаган майдонларида боқилган. Бу яйловларнинг маълум вақт «дам олиши»га имкон берди.

Бугунга қадар совхоз бўйича ҳар юз бош совлиқдан 140 дан ошиқ қўзи олинди. Бу йил совхоз чорвадорлари 17 минг бошга яқин қўзини ўстиришга қолдириш мажбуриятини олдилар. Айни вақтда қўплаб чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади. Яйлов баҳодирларининг бугунги меҳнат шижоатлари бу марралар шараф билан эгалланишидан далолат беряпти.

Т. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Оржоникидзе районидаги боғбон-соҳибкорлари йил сайин пойтахт аҳолисини ширин-шакар мева ва узум билан кўпроқ таъминлашга эришяптилар. Янги боғлар, токзорлар яратиш, эскиларини серҳосил, сершира навлар билан алмаштириш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Райондаги Ленин номли колхоз миришкорлари бу йил баҳорда 16 гектар майдонда боғ барпо қилишни планлаштиришган. Шу мақсадда хўжаликка келтирилган кўчатларни яхши сақлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Кўчат экиш кун сайин қизитиляпти. Ниҳоллар асосан навлари бўйича айрим-айрим майдонларга ўтқазилмоқда. Суратда: боғдорчилик бригадаси бошлиғи Рустам Нормуҳамедов билан агроном Фозил Зиямуҳамедовлар экилаётган кўчатларни кўздан кечиришмоқда.

А. Тўраев фотоси.

21 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

● Андижонлик тикувчилар «қизил шанбалик» куни юз минг сўмлик буюм ишлаб чиқаришни мўлжаллаб қўйдилар. Бунда маҳаллий тикувчилик бирлашмаси маҳсулотининг кўп қисми савдо тармоқларига давлат Сифат белгиси билан етказиб берилади. Ишчилардан Муҳаббат Исаева, Людмила Рябчикова, Лайло Янгировалар бир нафардан ёш ишчини улар ҳаётида биринчи меҳнат байрамига тайёрлаш мажбуриятини олдилар. Ана шу ёш ишчилар ҳам норматив камида бир ярим баравардан ошириб адо этадиган бўладилар.

ТЕЖАЛГАНИ ҲИСОБИГА

● Туямўйин шоферлари шанбалик куни камида тўрт минг тонна юк ташиб берадилар. 93-автотранспорт корхонасининг ҳамма автомобиллари тежалган ёнилғи билан ишлайди. Ремонтчилар шу кунга техникани намунали тайёрлаб қўйиш мажбуриятини олдилар ва унинг бенуқсон ишлашини гарантияйдилар. Уларнинг деярли ҳаммаси хўжалик территориясини ободонлаштириб, дов-дарахтлар ўтқазишда қатнаша оладилар.

ОДАТДАГИДАН КЎП

● Фарғона уйсозлари 21 апрелда одатдаги кунларга қараганда 55 минг сўмлик кўп қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар. Сейран Суганжаев ва Алексей Шейфер бошчилигидаги монтажчилардан, Михаил Ворожцов бошлиқ бетончи дурадгорлардан иборат илғор бригадаларнинг меҳнат ҳиссаси шуни таъминлайди. Улар смена нормаларини бир ярим баравардан ошириб бажаришга сўз бердилар. Шу куни йирик панелли уйсозлик заводидан монтажга келадиган конструкцияларнинг бир қисми тежалган материаллар ва энергия билан тайёрланади: тежамкорларнинг шахсий ҳисоблари йилнинг дастлабки кунлариданоқ очилган эди.

(ЎзТАГ).

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ШОДИЁНАЛАР

ҲАЙДАРОБОД, 3 апрель. (ТАСС мухбири). Ичига совет ва ҳинд космонавтлари тушган «Союз—Т-11» космик кемаси муваффақиятли учирилганлиги тўғрисидаги хабар бутун Ҳиндистонда зўр хурсандчилик билан кутиб олинди. Миллион-миллион ҳиндлар Бойқўнғир космодромидан космик кема учирилишини кўриш учун кечқурун телевизорларнинг экранлари ёнига тўпландилар.

Ракеш Шарманинг болалиги ва ёшлиги ўтган Ҳайдаробод шаҳрининг аҳолиси айниқса фахрланмоқда. Шаҳрнинг шимолий чеккасида Ҳиндистон биринчи космонавтининг ота-онаси — Трипта ва Вивендранатх Шарма яшайдиган уй ҳақиқий зиёратгоҳга айланди. Ракешнинг қавм-қариндошлари, дўстлари ва ошналари, ҳамкасблари, қўни-қўшнилари шу шонли воқеа билан қутлагани келиб турибдилар. Уйда телефон жиринглаши тинмайди, табрик телеграммаларининг кети узилмайди.

Биз беҳад бахтиёрмиз, бу кун ҳаётимиздаги энг қувончли кундир,—деди космонавтнинг онаси Т. Шарма ТАСС мухбири билан суҳбатда. У қарийб 35 йил мобайнида мактабда муаллимлик қилган.—Ўғлимиз Совет—Ҳиндистон биргаликдаги космик парвозида қатнашиш учун номзод қилиб олинганлигининг ўзиёқ она сифатида шахсан менда Совет Иттифоқи тўғрисидаги ҳар қандай янгиликларга ғоят катта қизиқиш уйғотди. Учишга тайёргарлик борган бутун давр ичида мен шу мамлакат тўғрисида, унинг тарихи, совет халқининг ҳаёти тўғрисида мумкин қадар кўпроқ нарсалар билишга ҳаракат қилдим. Совет — Ҳиндистон космик парвози бутун Ҳиндистон учун жуда муҳим воқеа бўлиб, Совет Иттифоқи билан муносабатларимизни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга. Бу учиш мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни янада кўпроқ мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишончим комил.

Ўғлимиз Ҳиндистоннинг биринчи космонавти бўлишдек юксак шарафга муяссар бўлганлиги учун ғоятда қувондик ва фахрландик, деди Вивендранатх Шарма. Биргаликдаги космик парвоз Совет—Ҳиндистон дўстлиги ва ҳамкорлигини ривожлантиришда янги бир босқичнинг бошланиши бўлиб қолишига ишонаман. Бутун экипажга сидқидилдан муваффақиятлар тилайман.

Ракеш Шарма ўқиган Ҳайдароboддаги «Сент—Жорж» мактабида байрам руҳи. Ўқув юртимиздан Ҳиндистоннинг биринчи космонавти чиққанлиги билан ҳаммамиз фахрланамиз, деди мактаб директори Вижая Рао. Ҳиндистон гражданининг космосга учиши катта воқеа бўлиб, мамлакатимиз тарихида ҳамда Ҳиндистон билан Совет Иттифоқини боғловчи мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларида тоабад ёрқин бир босқич бўлиб қолажак.

С. КАРМАЛИТО.

БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС) БМТ Хавфсизлик Кенгаши «Эрон билан Ироқ ўртасидаги муносабатларда вужудга келган вазият» деган масалани кўриб чиқиб, регионда халқаро тинчлик ва хавфсизликни хавф остида қолдираётган можародан ташвиш билдирди. Кенгаш аъзолари можаро чоғида химиявий қурол ишлатилмоқда, деган даъволарни текшириш учун БМТ Бош секретари тайинлаган мутахассисларнинг докладини маълумот учун қабул қилдилар.

Хавфсизлик Кенгашининг топшириғига биноан унинг раиси Х. Ариас Стелья (Перу) баёнот берди. Баёнотда можарода халқаро ҳуқуқ нормалари бузилаётганлиги тўғрисидаги хабарлар муносабати билан чуқур ташвиш билдирилади.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ЖЕНЕВА, (ТАСС). Бу ерда парламентлараро иттифоқнинг 71-конференцияси давом этмоқда.

Швейцария конфедерациясининг президенти Л. Шлумпф, БМТнинг Женевадаги бўлими бош директори Э. Сюи, Швейцария федерал мажлиси (парламенти) миллий кенгашининг раиси А. Тотье ва парламентлараро иттифоқ кенгашининг президенти Иззидин Ас-Сайид йиғилиш аҳлига мурожаат этиб, табрик нутқлари сўзладилар. Улар ўз нутқларида планетадаги парламент аъзолари тинчликни сақлаб қолиш учун қуролсизланиш, биринчи навбатда ядровий қуролсизланиш соҳасида силжишга эришиш учун масъулиятли эканликларини таъкидладилар.

Конференция қатнашчилари «ҳозир олиб борилаётган ва келгусида олиб бориладиган ҳамда қуролланиш пойгасини тўхтатишга, қуролларни чеклашга ва ялпи қуролсизланишга, шунингдек тинчликни таъминлашга қаратилган музокараларнинг муваффақиятига парламентларнинг ҳиссаси» тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга киришдилар. СССР парламент группаси делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати, «Известия» газетасининг бош редактори Л. Н. Толкунов шу масала юзасидан сўзга чиқди.

СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ТАНГ АҲВОЛДА

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Гондурас президенти Суасо Кордова қуролли кучлар қўмондони генерал Альварес Мартинесни бош штаб бошлиғи, ҳарбий денгиз кучлари қўмондони, давлат хавфсизлиги кучлари қўмондони лавозимларидан олиб ташлаб, қуролли кучлар устидан тўла назоратни ўз қўлига олди. Генерал Альварес Мартинес Коста-Рикага бадарға қилинди.

Хабардор доиралар бу воқеа Гондурасда, айниқса ҳарбий иерархия ичида ҳокимият учун кураш кучайганлиги билан боғлиқ эканини уқтирмоқдалар. Альварес Мартинеснинг четлаштирилиши армия реакцион бошлиқларининг турли гуруҳлари ўртасидаги зиддиятлар кескинлашганлиги оқибатида мамлакатдаги сиёсий ҳокимият танг аҳволга тушиб қолганини акс эттиради. Баъзи маълумотларга қараганда, Альварес Мартинес Қўшма Штатларнинг кўрсатмаси билан ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фашизм руҳида ҳарбий тўнтариш қилишга тайёргарлик кўрган. Шу муносабат билан сиёсий обзорчилар Қўшма Штатлар бу хусусдаги ўзининг расмий фикрида Американинг Гондурасдаги элчиси берган баёнот билан чекланиб қўя қолганлиги фактини тасодифий эмас, деб ҳисобладилар. Элчи олий офицерларни лавозимидан туширишни — бу мамлакатнинг соф ички иши деб уқтирган эди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ҚОҲИРА.** Кипр республикаси ташқи ишлар министри Георгиос Якову бу ерда Кипр билан Миср ўртасида дипломатия муносабатларини яна ўрнатиш тўғрисида Миср Араб Республикаси раҳбарлари билан битим тузилишига эришилганлигини айтди. Министр МАР президенти Хусни Мубарак билан учрашувдан кейин журналистларга шу баёнотни берди ва яқин келгусида элчиларни ўзаро юбориш амалга оширилишини таъкидлади. Кипр билан дипломатия алоқаларини Мисрнинг собиқ президенти Садат узган эди.

● **БРАЗИЛИА.** Ҳиндилар турмуш шароитларини яхшилашнинг энг муҳим проблемалари Бразилия туб аҳолиси вакилларининг Бразилиа шаҳрида очилган конференцияси кун тартибида турибди. Конференцияда мамлакатда истиқомат қилаётган барча ҳинди қабилаларининг бошлиқларидан қарийб 300 киши иштирок этмоқда. Ҳиндиларнинг таниқли арбоби, миллий конгресс депутати Марку Журунанинг ташаббуси билан чақирилган конференция қатнашчилари ҳиндиларнинг азалий ерларини йирик замин эгаларидан ва империалистик монополиялар-нинг ҳамлаларидан ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор бермоқдалар.

● **БИСАУ.** Ҳозирги замон ишчилар ҳаракатининг энг муҳим проблемалари, социалистик жамиятда касаба союзларнинг роли, ишлаб чиқаришни ўстириш, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароитлари ва турмушини яхшилаш учун курашда уларнинг иштироки каби масалаларни бу ерда тугаган касаба союз семинари қатнашчилари кўриб чиқдилар. Семинарни Гвинея-Бисау меҳнаткашлар миллий бирлашмаси (ММБ) ВЦСПС билан биргаликда уюштирди.

(ТАСС).

ЮКСАК БАҲО

Бундан 6 йил муқаддам Совет Иттифоқининг ёрдами билан Эфиопиянинг Амбо шаҳрида қурилган фитопатология лабораторияси мамлакатда қишлоқ хўжалиги билан алоқадор бўлган кишиларнинг ҳамма-масига яхши маълум.

Ўсимликларнинг касалликларига қарши кураш, уларни бегона ўтлардан ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг серҳосил навларини етиштириш — у ерда ишлаётган Совет — Эфиопия олимлари фаолиятининг асосий йўналишларидир. Маҳаллий мутахассисларнинг кўпчилиги совет олий ўқув юртларида маълумот олишган, бошқалари эса СССРга бориш учун ҳозирлик кўриб стажировкадан ўтишмоқда.

Амбодаги интернационал коллектив теварак атрофдаги деҳқонларнинг уюшмаларига ва кооперативларига катта амалий ёрдам бермоқда, уларни агротехника, ўғитлар ва гербицидларни қўлланиш соҳасидаги энг янги ютуқлар билан таништирмоқда. Лабораторияда мунтазам суратда ўтказилаётган «очиқ эшик кунлари» кенг манзур бўлмоқда. Бундай кунлар қишлоқ меҳнаткашлари учун ўзига хос назарий ва амалий семинарларга айланиб қолмоқда.

Эфиопия раҳбарлари олимларнинг кўп қиррали фаолиятига юксак баҳо бермоқдалар. Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаш ва Эфиопия меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссиясининг Раиси Менгисту Хайле Мариам Амбога қилган сафарларидан бирида илмий станциянинг миллий экономикани юксалтиришдаги муҳим аҳамиятинигина қайд этиб қолмай, шу билан бирга у иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар муваффақиятли ривожланаётганлигининг ёрқин намуналаридан бири эканлигини ҳам таъкидлади.

(ТАСС).

П. МОРУАНИНГ ЧАДГА САФАРИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг Нжаменадан хабар қилишича, Франция бош министри П. Моруа бу ерга келган. У режим бошлиғи Хиссен Хабре билан музокаралар олиб боради, шунингдек Чад пойтахтидан 400 километр шимолдаги Муссоро районига инспекция сафари қилади. Француз интервенциячи кучларининг олдинги позициялари ана шу районда жойлашган.

Париж матбуотининг хабарларига кўра, Франциянинг Чад можаросига ҳарбий аралашувини янада кенгайтириш музокараларнинг асосий мавзуси бўлади. Франция телевиденнесининг маълумотларига қараганда, Байрутдан яқиндагина олиб кетилган француз қўшинларидан яқин кунлар ичида Хабре режимига мадад кучлари юборилиши мумкин.

Франция матбуотининг эътироф этиб ёзишича, аҳоли режимни қўллаб-қувватламаяпти, кейинги ойларда режим отрядлари ва уларни қўллаб-қувватлаётган интервенциячи қўшинлар бир қанча катта-катта мағлубиятларга учраган. Интервентлар ва уларнинг одамлари ҳатто пойтахтда ҳам осойишталикни таъминлашга қодир эмаслар. Умумафрика ахборот агентлиги (ПАНА)нинг хабар қилишича, П. Моруа келиши арафасида пойтахтда ҳарбий полиция штаби ёнидаги ўқ-дори омбори портлатилган.

ГВИНЕЯДА ТЎНТАРИШ

ПАРИЖ, 4 апрель. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги Гвинеяда содир бўлган тўнтариш тўғрисида хабар қилди. Ана шу хабарга қараганда, кеча Гвинея радиоси орқали сўзга чиққан мамлакат қуролли кучларининг вакили «қуролли кучлар мамлакатни бошқаришни ўз зиммасига олишга қарор бердилар» деган. Унинг сўзларига кўра, тўнтариш раҳбарлари янги ҳукумат — «Тикланиш ҳарбий комитети»ни туздилар. Мамлакатдаги ҳукмрон ва бирдан бир партия — Гвинея Демократик партиясини ҳамда халқ миллат мажлиси — парламентни тарқатиб юбордилар. Вакил Гвинея конституциясининг амал қилиши ва оммавий ташкилотларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилганлигини, шунингдек комендантлик соати жорий этилганлигини, чегаралар ва аэропортлар ёпиб қўйилганлигини ҳам маълум қилди.

Агентлик президент Секу Туре вафотидан кейин бир неча кун ўтгач, шу тўнтариш содир бўлганлигини қайд этади. Гвинея президенти вазифасини вақтинча ижро этувчи бош министр Л. Беавоги ва у бошлиқ кабинет аъзоларининг тақдири тўғрисида хабар қилинмаган.

ДАКАР, 4 апрель. (ТАСС). Гвинея радиосининг хабар қилишича, Тикланиш ҳарбий комитети янги раҳбарларнинг БМТ принципларига, Африка Бирлиги Ташкилоти ва қўшилмаслик ҳаракати принципларига тўла содиқлигини тасдиқлади.

Тикланиш ҳарбий комитетининг Гвинея радиоси орқали эшиттирган ахборотида комитет барча давлатлар билан дўстона муносабатлар тарафдори эканини айтди, илгари тузилган ҳамма халқаро шартномаларни ва Гвинеянинг мажбуриятларини ҳурмат қилишини билдирди.

Ахборотда уқтириб ўтилишича, Тикланиш ҳарбий комитети шу кундан эътиборан барча сиёсий маҳбусларни озод этишга қарор қилди.

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

КОНЧИЛАР ҚУЛФАТИ

Кейинги пайтларда Франция кончиларининг аҳволи ғоятда мушкуллашиб кетди. Мамлакатнинг асосий кўмир қазиб олинадиган конларида йилдан йилга ишчи ўринлари қисқармоқда. Айниқса Лотарингия, Нор, Па-де-Кале шахтерлари шахталарининг ёпилиб қолишидан азият чекмоқдалар. Франция кончиларининг меҳнат қилиш ҳуқуқларига қарши қилинаётган тазйиқ уларнинг ғазабларини қўзғатмоқда. Ҳукумат кўпчилик конларни «норентабель» деган баҳона билан уларни ёпиб қўйиш чорасини кўраётир. Бунга қарши яқинда мамлакат пойтахтида кончиларнинг катта намойиши бўлиб ўтди. Улар шахталарнинг ёпилишига йўл қўймаймиз, бизлар меҳнат қилиш ҳуқуқини талаб этамиз, деган сўзлар ёзилган шиорларни кўтариб, Парижнинг марказий кўчаларидан ўтдилар.

РЕКОРД ДАРАЖАДА

Дублиндан олинган хабарларнинг бирида Ирландияда ишсизлик рекорд даражага етганлиги тўғрисида гап боради. Бу ерда тарқатилган расмий маълумотларга кўра, ўтган ойда мамлакатда меҳнат ҳуқуқидан маҳрум этилган киши 215 мингдан ортиб кетган. Улар меҳнатга яроқли жами аҳолининг 16,5 процентини ташкил этадилар. Мамлакатда ишсизлар ўтган йилнинг шу ойига нисбатан 27 минг кишидан зиёд кўпайган. Ҳозирги вақтда Ирландиядаги ишсизлик «Умумий бозорга» аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида энг юқори даражага кўтарилган.

МУҲТОЖЛИК ИСКАНЖАСИДА

Австрияда оддий фуқаронинг кун кечириши йилдан йилга қийинлашиб бораётир. Биргина юқори Австрияда 30 мингдан ортиқ оила квартира ҳақини тўлашга қурби етмаётир. Бу ҳақда маҳаллий матбуотда эълон қилинган расмий статистика маълумотлари ишончли далилларни келтиради. Кейинги пайтларда 150 мингдан ортиқ оила телефондан маҳрум этилди. Юз мингдан ортиқ оила эса электр қувватидан фойдаланишга қурби етмай қолди. Мамлакатда квартира ва бошқа коммунал хизмат тўловларининг ортиб бораётганлиги унга сабаб бўлаётир.

ЖАНГОВАР ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲАЁТИДАН

СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!

● Денгизчилар саф тортиб туришибди. Шу пайт буйрук берилди:

— Старшина Қурбонов, сафдан олдинга ўтинг. Жанговар ва сиёсий тайёргарликда эришган юксак кўрсаткичларингиз учун Сизга раҳматнома эълон қиламан!

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан! — дея жавоб қайтарди денгизчи.

Саф тарқалгач, хизматдошлари уни ўраб олишди.

— Табриклаймиз, ғалаба билан! — дея уни табриклашди қуролдош дўстлари.

Мухторали Қурбонов ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар Киров районидаги 44-ўрта мактабда ўқиган, кейинчалик «Искра колхозида ишлаган эди. Ишдан бўш вақтларида спорт саройида тренер Ҳабибулла Бозоров раҳбарлигида «самбо» кураши билан шуғулланган. У спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришиб, биринчи разрядга эга бўлган эди. Спорт соҳасидаги маҳорати унга хизмат даврида, айниқса, қўл келди.

Ҳарбий билим ва техникани чуқур эгаллаган Мухторали Қурбонов ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Қизил Байроқли Тинч океан флотининг 50 йиллиги арафасида унинг кўксини «Ҳарбий денгиз флоти аълочиси» значоги безади.

П. ДУБРОВИН.



Полигонларда, синфхоналарда, танкодромларда Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи жангчиларининг ўқишлари қизғин ўтмоқда. Туркистонликлар жанговар маҳоратларини оширишни давом эттирмоқдалар. Суратларда: 1. Ракетачилар машқ вақтида. 2. Коммунист лейтенант Зуфар Ҳасанов сиёсий машғулот олиб бормоқда.

Р. Шагаев ва И. Хўжаев фотолари.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

БАРХАНЛАР ЎРНИДА ТОКЗОРЛАР

Свердлов районидаги қўриқ «Андижон» совхози меҳнаткашлари учун долзарб палла — токларни очиш бошланди. Ишчилар Варахша массивида ўзлаштирилган ерларга ўтказилган ҳар бир туп токни жуда авайлаб кўтармоқдалар. Бу йил мана шу токзорлар биринчи ҳосилини беради.

Совхоз деҳқонлари асрлар бўйи ҳувиллаб ётган ерларда токзорлар барпо этиш учун кўп иш қилдилар. Улар чўл шароитини ҳисобга олиб, токларни парвариш қилишнинг илғор методларини қўлладилар: қатор ораларини кенгайтирдилар, токларни баландроқ кўтардилар. Бу йил хўжалик меҳнаткашлари давлатга камида 4000 тонна узум топширишни мўлжаллаб қўйдилар.

«Андижон» совхозининг келажаги порлоқ. Бу ерда қўриқни ўзлаштириш ҳисобига токзорларни анча кенгайтиришга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ИЛК ҚАДАМ

Навбатдаги Тошкент кинофестивали арафасида «Ўқитувчи» нашриёти «Кино асослари» китобини босмадан чиқарди. Бу асар уч қитъа анжуманн меҳмонлари ва мезбонлари учун ўзига хос совғадир.

Кейинги вақтларда кино санъати асослари Бутуниттифоқ кинематография институти доирасидан чиқиб, университетларнинг журналистика, маданият институтларининг маданий-оқартув ишлари факультети ҳамда шу соҳадаги халқ университетларининг ўқув программаларидан мустаҳкам ўрин олди. Шу тарзда кино санъати бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратиш давр тақозосига айланди. Иттифоқ миқёсида кино санъатини тушунтирувчи, уни ижодий жараён сифатида характерловчи китоблар юзага келди.

Филология фанлари кандидати Муҳсин Алиевнинг маданият институти студентларига ва маданий-маърифий муассасалар ходимларига мўлжалланган «Кино асослари» ўқув қўлланмаси ўзбек тилида ана шу йўлдаги илк қадамдир.

Муаллиф қўлланма пойдеворини белгиловчи асосий масалага доҳиймиз В. И. Ленининг «Санъатлар ичида энг муҳими — кинодир», деган ҳаётий башоратининг муайян ишлиқосидан келиб чиқиб ёндашади ва ўзбек киноси тараққиётининг илдизлари, анъаналарини кўрсатади, тажрибаларини умумлаштиради. Бутуниттифоқ кино санъати тажрибаларидан кўплаб мисоллар келтиради. Қўлланмада кино санъати тарихи, кино санъатида ижодий жараён, кино санъати — тарбия воситаси масалалари бир-бири билан узвий боғлиқликда, кенг фактик материаллар ёрдамида баён қилинган.

Китобнинг кино санъати тарихига оид бобларида бу санъат турининг қачон ва қаерда пайдо бўлгани, унинг Ватанимизга кириб келиши ва тараққиёт босқичлари, В. И. Ленин, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг кино санъатини ривожлантиришдаги ғамхўрлиги, Иттифоқ ва ўзбек киносида В. И. Ленин образининг яратилиши, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро Тошкент кинофестивали ҳақида батафсил фикр юритилган.

Кино мураккаб ижодий жараён маҳсулидир. Ҳар бир фильм сценарист, режиссёр, рассом, композитор, оператор ва актёрларнинг сермашаққат ижодий меҳнати орқали юзага чиқади. Қўлланмада бу ижодий жараён муфассал баён қилинган. Бу ўринда фильм яратишдаги ижодий жараён ўзбек киноси ҳақидаги тадқиқотларда кам ёритилганини ҳисобга олсак, автор бирмунча янгилик яратганини, шунингдек ижодий жараён ўзбек киноси санъаткорлари ижодий лабораториясидан келтирилган характерли мисоллар воситасида очиб берилганини алоҳида таъкидлаш керак.

«Кино асослари» қўлланмасида «Фильм турлари ва жанрлари» деган анча муфассалликни талаб қиладиган бобга негадир кам ўрин ажратилган. Зеро, бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп ва мультипликацион фильмларнинг ўзига хос специфик хусусиятлари тематик рангбаранглиги нуқтаи назардан эътибор берсак, китобдаги жузъий нуқсон яққол кўзга ташланади. Автор бу бобда фильм турлари ва жанрларини изоҳли луғат услубида ёритадики, ўқувчи масаланинг моҳиятидан бехабар қолади. Бундай камчиликни «Кино тармоқлари» бобида ҳам кўрамиз.

Автор ёш авлод тарбиясида тарихий-революцион, уруш мавзуи, замонавий тематика акс этган фильмларнинг ролини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, саргузашт ва комедия жанридаги асарлар таҳлилига тўхталади. Маданий-оқартув муассасаларининг, жумладан, клубларнинг оммага кино хизмати кўрсатишдаги кенг қамровли фаолияти, ҳаваскорлик ижодининг оммавийлашиб бораётгани, бунда кино ҳаваскорлигининг роли ва унинг тараққиёти ишонарли мисолларда кўрсатилган.

Шуни таъкидлаш керакки, автор қўлланма объектига киритган масалаларни социалистик санъатнинг партиявийлик ва ғоявийлик, халқчиллик ва ҳаққонийлик принципларидан келиб чиқиб таҳлил қилади. «Кино асослари» китоби ёш авлодни коммунистик руҳда, жумладан, эстетик тарбиялашда ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Ғ. ҒАФУРОВ,
филология фанлари кандидати.

Журнал саҳифаларида

ИБРАТЛИ ИЗЛАНИШ

КПСС Марказий Комитети уюштирган ва муваффақиятли ўтган агросаноат комплекси проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ иқтисодий кенгаши мамлакатимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Кенгаш қатнашчилари мамлакат агросаноат комплексини янада ривожлантириш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш йўлидаги курашнинг ҳал қилувчи босқичида унинг самарадорлигини оширишнинг энг зарур проблемаларини актив муҳокама қилдилар. Совет халқи КПСС раҳбарлигида партия XXVI съездининг, Марказий Комитет кейинги Пленумларининг қарорларини бажариш учун фидокорона меҳнат қилиб, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида янги-янги муваффақиятларга эришаётганлиги зўр мамнуният билан таъкидлаб ўтилди.

Давр билан ҳамнафас, ҳозирги куннинг энг муҳим, долзарб масалаларини ёритишга сафарбар этилган республикамиз матбуоти партия қарорларини ҳамиша актив тарғиб қилади.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи органи — **«Шарқ юлдузи»** журналининг янги 3-сонида агросаноат комплекси ва унинг бирлашмалари, тузилиши, фаолияти, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш жараёнларида қўлга киритилаётган иқтисодий кўламлар ва уларнинг иш йўсинлари тўғрисида қизиқарли, мазмунли давра суҳбати эълон қилинди. Давра суҳбатида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Министрлар Совети Президиумининг агросаноат комплекси масалалари бўйича Комиссия раиси Бектош Раҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг инструктори, иқтисод фанлари кандидати Нурислом Тўхлиев, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри Абдукарим Ўркинбоев, Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министри Ориф Алимов, Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министри Йўлдош Мамажонов, республика озиқ-овқат саноати министри Мўминжон Йўлдошев, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисоди илмий-тадқиқот институтининг директори, ВАСХНИЛнинг мухбир аъзоси Саидмаҳмуд Усмонов ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Суҳбат иштирокчилари агросаноат комплексларининг вужудга келиши, ривожланиши уни ташкил этувчи тармоқларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш муаммоларини ҳам келтириб чиқараётганлигини айтиб, шу хусусда ўзларининг конкрет фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар. Айни вақтда иқтисодий масалаларни ҳал қилишда қўл келадиган қўшимча имкониятлар, проблемалар ҳақида гапирдилар. Энг муҳими, давра суҳбати КПСС Марказий Комитетининг иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал этиш йўлида олиб бораётган сиёсатини тушунтириб, кенг жамоатчиликни партиямизнинг тарихий қарорларини изчил амалга оширишга даъват этган.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ДИЛ СЎЗЛАРИ

МАҲОРАТ МАКТАБИ

И. ШИШОВА ва А. СУЛАЙМОНОВ,
тошкентлик спорт мастерлари

Республикамиз пойтахтида мамлакат чемпионати баҳсларининг ўтказилиши бизни беҳад қувонтирмоқда. Боиси, шу вақтгача иккимиз ҳам ўсмирлар ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда иштирок этиб келмоқдамиз. Чунончи, шу йил бошида Днепропетровск шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида голиблик супасининг биринчи поғонасини эгаллашга муваффақ бўлдик. Кейин Ростов-Дон шаҳрида мамлакат кубоги учун курашда тўртинчи натижани кўрсатдик. Мана энди катта ёшдаги фигурали учиш усталари қатори СССР чемпионлиги учун баҳс юритишга шай бўлиб турибмиз. Бизга билдирилган ишончни оқлашга, республикамиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, бундан қарийб ўн йил аввал мамлакатимиз энг кучли фигурачилари Тошкентга келиб янги фойдаланишга топширилган «Юбилей» спорт саройи муз майдонини ўзига хос синовдан ўтказиб беришган эди. Ўтган давр мобайнида ёш фигурачилар мактабимиз талабаларининг сафи кенгайди, маҳоратлари ошди. Ҳозир мактабдошларимиз орасида кўпдан-кўп спорт мастерлари, халқаро мусобақаларнинг совриндорлари бор. Мамлакат чемпионати тошкентлик фигурачилар, хусусан биз учун ажойиб маҳорат мактаби бўлиб қолади.

БАҲСЛАР ВА ҒОЛИБЛАР

▲ ГИМНАСТИКА. Ватанимиз пойтахтида спорт гимнастикаси бўйича «Московские новости» газетаси соврини учун ўтказилган халқаро мусобақада тошкентлик мактаб ўқувчиси Ирина Бараксанова зўр маҳорат кўрсатди. Ирина СССР халқлари ёзги VIII Спартакиадаси мусобақаларида илк бор мутахассислар назарига тушган эди. У бу сафар эркин машқ бажаришда 19,8 балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллаган бўлса, унинг таяниб сакраши ҳам 19,725 балл билан баҳоланди ва олтин медалга лойиқ кўрилди. Ирина кўпкурашда (38,85 балл) иккинчи натижа кўрсатди.

▲ КУРАШ. АҚШнинг Толидо шаҳрида эркин кураш бўйича жаҳон кубоги учун ўн биринчи марта ўтказилган беллашувда совет полвонлари муваффақият қозондилар. Ҳал қилувчи баҳс СССР — АҚШ командалари ўртасида давом этди. Бунда курашчиларимиз (6:4) устун келишди. Жаҳон кубогининг тўққизинчи марта қўлга киритилишида тошкентлик А. Хадарцев совет командасининг ғалабасига муносиб ҳисса қўшди.

▲ ФУТБОЛ. Иккинчи лига коллективлари ўртасида мамлакат чемпионати бошланди. Мавсум бошида Самарқанд динамочилари ва «Соҳибкор», «Янгиер», «Хўжанд», «Наримановец», «Хива» коллективлари қўш очколи бўлишди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
1984-85 ўқув йили учун
СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ 1-КУРСИГА
қуйидаги ихтисослар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Оммавий кутубхоналарнинг кутубхоначилари ва библиографлари, болалар, техника адабиётлари кутубхонашунослиги ва библиографияси, клуб ишларининг ташкилотчи-методисти, ҳаваскорлик театр коллективининг раҳбари, клуб оммавий тадбирлари режиссёрлиги, ҳаваскорлик хор коллективининг раҳбари, халқ чолғу асбоблари оркестрининг раҳбари, духовой чолғу асбоблари оркестрининг раҳбарлари.

Ўқиш муддати — 5 йил.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: ихтисослик бўйича (маданий-оқартув факультетига кирувчилар учун), она тили ва адабиёти (ёзма ва оғзаки), СССР тарихи (оғзаки), чет тили (кутубхонашунослик факультетига кирувчилар учун).

Маданий-оқартув факультетига кирувчилар учун мутахассислик бўйича имтиҳон икки бўлимдан: коллоквиум (махсус суҳбат) ва ихтисосдан имтиҳон (амалий вазифаларни ҳал этиш ва ижро қилишдан) иборат бўлади.

КОЛЛОКВИУМ

Коллоквиумда абитуриентнинг сиёсий ва умуммаданий савияси, унинг Коммунистик партия сиёсати ва фаолиятидан, санъат ва адабиёт масалаларидан хабардорлиги, клуб ишларининг асосий шакл ва методларини билиши аниқланади.

ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА ИМТИҲОН

Клуб ишларининг ташкилотчи-методисти ихтисослигига кирувчилар маданият муассасалари, жамоат ташкилотларидан бирида иш тажрибасига эга бўлиши керак. Абитуриентлар клубида ташкил қилинган бирор тадбирга ёзма тақриз ёки оммавий байрам сценарийсини ёзма равишда топширишлари лозим.

Бундан ташқари, ашула айтиш ва рақсга тушиш, бирор музика чолғу асбобида ижро этишни, клубда турли суҳбатлар ўтказишни ва оммавий ўйинлар ташкил қилишни, афиша ва таклиф билетининг эскизини чизишни, маълум санага концерт программасини тузишни билишлари ҳамда кўрсатишлари шарт.

Ҳаваскорлик театр коллективининг раҳбари ихтисослигига драматик тўғарак ва ҳаваскорлик театрларида иш малакасига зарурий ижодий лаёқатга эга бўлган, театр ва драматургия масалаларидан хабардор бўлган кишилар қабул қилинади. Абитуриентлар драматик асарнинг режиссёрлик таҳлилини ёзма равишда топширишлари керак. Имтиҳон вақтида улар импровизацион этюд бажаришлари, монолог, ҳикоя, масал ва шеърни ифодали ўқиб беришлари лозим.

Ҳаваскорлик хор коллективининг раҳбари ихтисослигига кирувчилар музика соҳасида зарур тайёргарликка эга бўлишлари лозим. Улар тайёрланган музика программаси асосида ашула айтиш ва дирижёрлик қилиши, фортепьянода музика асарларини чалиши, сольфеджиодан (оғзаки) синовдан ўтишлари керак.

Ҳаваскорлик халқ чолғу асбоблари оркестрининг раҳбари, ҳаваскорлик духовой оркестрининг раҳбари ихтисослигига кирувчилар музика соҳасида зарур тайёргарликка эга бўлишлари лозим. Улар ўз мутахассислиги бўйича танланган музика асбобида программа ижро этиши, дирижёрлик қилиши ва ижро этилган асарни таҳлил қилиши, фортепьянода музика асари чалиши, сольфеджиодан (оғзаки) синовдан ўтишлари керак.

АРИЗАЛАР 20 АПРЕЛДАН 31 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1 июндан 20 июнгача ўтказилади.

Институтга кирувчилар институт ректори номига ёзилган ариза билан қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), хизмат жойидан характеристика, меҳнат (колхоз) дафтарчасидан кўчирма, медицина справкаси (286-форма) 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат (бош кийимсиз), паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Сиртқи бўлимга ҳаёқатли маълумотга эга бўлган ёки танланган соҳасида ишлаётганлар қабул қилинади.

Институт адреси: 700164, Тошкент шаҳри 164, Високовольтний массиви, 3-сектор, 127-«а» уй 4, 17, 19-авновольтний массиви, 3-сектор, 127-«а» уй (4, 17, 19-авнинт институти» бекати). Телефонлар: 62-03-23, 62-03-24, 62-38-33, 62-28-07. Қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
БИОХИМИЯ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лабораторияларнинг кичик илмий ходимлари: оқсиллар биохимияси, ҳужайралар биофизикаси, энзимология, биологик мембраларнинг структурали тузилиши.

Конкурс муддати — 22 апрелгача.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 56-уй.

●

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг
ЎРТА ОСИЁ ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ипак қурти агротехникаси бўлими мудири (фан кандидати)
вакант вазифасига
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 702044, Тошкент области, Калинин райони, «Жарариқ» алоқа бўлими. Телефон 46-16-01.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5 IV да **Пиковая дама**, 6 IV да **Оққуш кўли.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Совет цирки усталари ва татар «Сабан тўйи» аттракционининг томошалари** (19.30).

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети республика радиосининг коллективи режиссёр Р. Жумаевга отаси
Тўйбой ЖУМАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилдилар.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари ҳамда математика факультети коллективи математика ўқитиш методикаси кафедрасининг ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати З. Нуриддиновага отаси
Ғиёс ЖАЛОЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мактаб ўқувчиларининг Д. С. Лихачёв билан учрашуви. 10.25 — Анна Каренина. Бадиий фильм. 1-серия. 11.40 — С. Прокофьев Александр Невский. Кантата. 12.25 — Телефильм. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильмлар. 16.10 — Концерт. 16.45 — Олтин шайба клубининг совғини учун. 17.30 — Фильм-концерт. 18.00 — Шахмат мактаби. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Расмларда қўёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фильм-концерт. 19.55 — Ишчилар ва одамлар. 20.25 — Анна Каренина. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ёзувчи ва ҳаёт. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — «Концертино» қадимий куйлар ансамбли чалади.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 11.05 — Сиз яратган бог. 12.05 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади? 14.10 — М. Стельмах. Асарлари саҳифаларида. 14.55 — Ўз соясидан ҳам тезроқ. Бадиий фильм. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.20 — Коллектив нимага қодир. 3-кўрсатув. 20.00 — Жаҳон халқларининг ижоди. 20.45 — Автомобиль ва автоҳаваскор. 21.00 — Роман триоси иштирокида музикали кўрсатув. 21.30 — Время. 22.05 — Катта танаффус. Бадиий фильм. 4-серия. 23.10 — Хоккей. Торпедо — Спартак.

ТОШКЕНТ-I. 11.00 — Ахборот. 11.20 — Мўъжизалар оламига саёҳат. 12.10 — Телефильм. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 — Бир актёр театри. 13.55 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильмлар. 18.40 — Сўз кетидан сўз келар. 19.05 — Авлодлар театри. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Партия турмуши. 20.15 — Экиш мавсуми кундалиги. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Санъат усталари. 23.20 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. 24.00 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.30 — МОСКВА-II. 18.15 — Ёшлик. 18.45 — Реклама. 18.55 — Бу шунчаки оддий иш эмас. Бадиий фильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Кинопрограмма. 21.30 — МОСКВА-II.

6 АПРЕЛЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Олтин шайба клубининг совғини учун. 10.25 — Анна Каренина. Бадиий фильм. 2-серия. 11.30 — Концерт. 12.05 — Телефильм. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Верховина куйлайди ва рақсга тушади. 16.50 — Москва комсомолининг ишлари. 17.35 — Рус тили. 18.05 — Тампера — ишчилар шаҳри. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан ва турмуш. 20.00 — Жаҳон киноси усталари. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. Днепр — Спартак. Танаффусда — Агар соғлом бўлай десанг.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — Ёзувчилар В. И. Ленин ҳақида. 12.05 — Илмий-оммабоп фильм. 14.05 — Совет тасвирий санъати. 14.35 — А. П. Чехов. «Иванов». 15.20 — Иллар ва одамлар. 15.50 — М. Жалил поэзияси. 16.35 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — Н. Петров чалади. 19.30 — Онамларнинг мактаби. 20.00 — Тележурнал. 20.45 — Инсон ва қонун. 21.15 — «Московский зори» хотин-қизлар хори куйлайди. 21.30 — Время. 22.00 — Телефондаги дада. Бадиий фильм. 23.00 — Музика ҳамма учун. 00.05 — Футбол. ЦСКА — Динамо.

ТОШКЕНТ-I. 11.00 — Ахборот. 11.20 — Ҳужжатли фильм. 11.30 — Ўқув программаси. 12.00 — Мактаб ўқувчилари учун. 12.50 — Диққат: светофор! 13.10 — Касблар ҳақидаги ҳикоялар. 13.40 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Ёшлик. 18.40 — Социалистик мусобақа ғолиблари ҳузурида. 19.10 — Ўлкамизни бог-рогларга буркаймиз. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Илҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Дунё воқеалари. 23.30 — Эртага — премьера. 23.35 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.40 — МОСКВА-II. 18.10 — Ўқитувчилар учун консультация. 18.35 — Қўшиқнавис шоирлар. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Шаҳримизнинг гўзаллиги ва озодалиги учун. 20.50 — Телефильмлар. 21.30 — МОСКВА-II.

РАДИО

6 АПРЕЛЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Бу менинг Ватаним. Концерт. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Янги музикали ёзувлар. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 19.25 — Ёшлик. 21.15 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Каса Маре. Радиоинс. ценировка.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 07166. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б.—80. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12